

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 327.8 М–89

МУСАЕВ САИДАББОС АКБАРОВИЧ

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНING БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ
МИНТАҚАСИГА НИСБАТАН ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ**

5А 220501 – Халқаро муносабатлар

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар – сиёсий фанлар номзоди.,
доцент Х.П.Умаров

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1. Ташқи сиёсат тушунчаси ва шаклланишга доир назарий ёндошувлар.....	12
1.2. Россия ташқи сиёсатининг назарий-ҳуқуқий асослари ва устивор йўналишлари.....	21
2-БОБ. РОССИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИНИ БОЛТИҚБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ШАКЛЛАНИШИНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ....	34
2.1. Болтиқбўйи минтақасининг Россия ташқи сиёсатидаги геосиёсий аҳамияти.....	34
2.2. Россиянинг Европа хавфсизлик тизимини шакиллантириш борасидаги сиёсатида минтақа давлатларининг ўрни.....	44
3-БОБ. ҲОЗИРГИ ДАВРДА РОССИЯНИНГ БОЛТИҚБЎЙИ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР.....	52
3.1. Россиянинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлигининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатлари.....	52
3.2. Россия ва Болтиқбўйи минтақаси давлатларининг ҳозирги босқичдаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ва истиқболлари.....	69
ХУЛОСА.....	81
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	87

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва турли соҳалардаги алоқаларда боғлиқлик кучайиб бормоқда. “Совуқ уруш”нинг барҳам топиши дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузулиши ва харитасини тубдан янгиланишига олиб келди дейиш мумкин. Бунинг оқибати ўлароқ жаҳонда мураккаб ва зиддиятли жараёнлар вужудга келди. Бир томондан, ҳозирда АҚШнинг ҳарбий жиҳатдан дунёда етакчилиги сақланиб қолмоқда, аммо бошқа томондан, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Европа давлатлари имкониятларининг ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин. Мазкур хилма-хил куч марказларининг вужудга келиши дунё тартиботининг келгусидаги моделининг шаклланишига ўз таъсирин ўтказмасдан қолмаслиги аён бўлмоқда. Улар қаторига БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоси, ҳарбий қудратга эга ва бой энергетика ресурслари ҳамда қулай географик жойлашувга эга бўлган Россия Федерациясини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Россия Федерациясининг жаҳон майдонидаги ўрнига тўхталиб, халқаро майдонда Россиянинг қудратли ва улкан имкониятларга, салоҳиятга эга эканлиги ва дунёдаги катта-катта муаммолар Россия таъсирисиз, Россия давлати қатнашмасдан ҳал қилинмаслигини таъкидлаб ўтган¹.

Шубҳасиз, жаҳон сиёсатида таъсир ўтказа олиш қудратига эга давлатлардан бири Россия Федерацияси ҳисобланади. Унинг қулай геостратегик ҳудудда жойлашганлиги ва Россия ҳудуди Фарб ва Шарқни боғлаб туриши каби омилларга эътибор қаратган Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгашининг Котиби И.С.Иванов “Россия стратегияси” журнаliga берган интервьюсида ушбу имкониятдан фойдалана олиш олмаслиги ташқи кучларга эмас, балки Россиянинг ўзига боғлиқлигини таъкидлаб ўтган².

¹Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.334

²Интервью Секретаря Совета Безопасности Российской Федерации И.С.Иванова журналу “Стратегия России”. // <http://www.scrf.gov.ru/news/98.html>

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан сўнг кескин вазиятдан фойдаланган АҚШ ва унинг иттифоқчилари Болтиқбўйи минтақасини ўзлаштиришни ва минтақадан Россияни сиқиб чиқаришни бошлашди. Оқибатда Болтиқбўйи минтақасидаги Россиянинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий иштироки доимий равишда қисқариб борди.

Болтиқбўйи мамлакатлари катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлмаган кичик давлатлар сирасига кирсада, аммо ушбу мамлакатлар қулай иқтисодий-географик ҳудудда жойлашган ҳамда улар Россиянинг Ғарб давлатлари билан савдо-иқтисодий транзит алоқаларида катта аҳамиятга эга ҳисобланишади. Умуман олганда, Болтиқбўйи минтақаси Россияни ҳам қуруқлик ҳам денгиз йўли орқали Европа билан боғлаб турадиган энг муҳим геосиёсий минтақа ҳисобланади.

XX асрнинг 90 йилларидан Россиянинг Болтиқ денгизига (Санкт-Петербург ва анклав ҳудуд ҳисобланган Калининград ўлкасидан ташқари) чиқиш имкониятидан маҳрум бўлганлигини геосиёсий йўқотиш сифатида баҳолаш мумкин. Болтиқбўйи (Латвия, Литва, Эстония) давлатлари БМТ ва ЕХҲТ аъзо бўлишди. 2004-йилга келиб бу давлатлар НАТО ва ЕИга аъзо бўлишди. Бундан ташқари, Болтиқ денгизи шельфидаги углеводород ресурслар ҳамда Марказий ва Ғарбий Европага қуруқлик йўли орқали чиқиш имконияти қўлдан кетди¹. Россиялик эксперт М.А.Троицкийнинг фикрича, айнан Болтиқбўйи минтақаси Россиянинг Европага интеграциясида етакчи роль ўйнайди². Россия ва унга қўшни бўлган давлатларнинг муносабатларини таҳлил қилар экан Финландиялик эксперт Андерс Аслунд Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатлари бугунгидек ҳеч қачон яхши бўлмаганлигини таъкидлаб ўтган³. Тўғри бугун Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатларда биров илиқликни кўриш мумкин, бироқ ҳали ҳамон муносабатларда низоли ҳолатлар ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар сақланиб қолмоқда.

¹ Нартов Н.А., Нартов В.А. Геополитика. – М.: ЮНИТИ–ДАНА: Единство, 2007. – С.162.

² Троицкий М. “Мягкая безопасность”: российско-балтийский подход. //Международная жизнь. – М.: 2008. – №6. – С.34.

³ Denisenko V. Russia and Baltic States: silent “reset” of relations? // <http://www.geopolitika.lt/?artc=4775>

Шу боис Россия ташқи сиёсатининг устувор вазифалардан бири Собик Иттифоқ парчаланишидан олдинги даврдаги мавқеини ҳамда Совет Иттифоқи ҳудудидаги олдинги таъсирни тиклаш ҳисобланади.

Умуман олганда, Болтиқбўйи давлатларининг мустақилликка эришишлари Россия ташқи сиёсатида янги стратегик йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Геосиёсий ва геостратегик вазиятнинг жиддий ўзгариши халқаро муносабатлар тизимида Россиянинг ўрни ва ролини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Болтиқбўйи минтақасида кечаётган геосиёсий жараёнлар халқаро муносабатлар тизимида таъсир этмоқда. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Россиянинг Болтиқбўйи минтақадаги геосиёсий манфаатлари қўйидагиларда намоён бўлади: **Биринчидан**, ушбу минтақа амалда Россияга бутун Болтиқ денгизи ва Шимолий Европа инфратузулмалари устидан назорат қилиш имкониятини беради; **иккинчидан**, Россиянинг Европа Иттифоқи давлатлари билан алоқалардаги энг яқин денгиз ва қуруқлик коридорини қўлга киритиш; **учинчидан**, ўз миллий манфаатларини ва шунингдек, Калининград ўлкасидаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш; **тўртинчидан**, минтақадаги Россия ташқи сиёсатининг устувор вазифаси бўлган рус тилининг мавқеини мустаҳкамлаш ва рус миллатига мансуб аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш; **бешинчидан**, НАТОнинг минтақадаги таъсирни камайтириш ҳисобланади.

2008 йил 12 июлда Президент Д.А.Медведев томонидан тасдиқланган Россиянинг Федерациясининг ташқи сиёсий Концепциясида таъкидланганидек, Россия Федерацияси дўстона қўшничилик руҳида, икки томонлама манфаатларни ҳурмат қилиш асосида Латвия, Литва ва Эстония билан ўзаро манфаатли муносабатларга тайёр. Россия учун умум Европа ва халқаро ҳуқуқ нормалари ва таъминловчига мувофиқ рус миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек Калининград ўлкасида

барқарор ҳаётни таъмин қилиш масалалари ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда¹.

Россиялик мутахассис М.Игорьнинг фикрича, НАТОнинг шарққа кенгайиши Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатлар долзарб аҳамиятга эга. Бу муносабатлар Калининградга кириш, нефть маҳсулотларини етказиб бериш, Россиянинг ғарбий чегаралари барқарорлиги, кўплаб ғарб мамлакатлари билан муносабатларни кучайтириш каби Россиянинг муҳим стратегик манфаатларига бевосита даҳл қилмоқда².

Болтиқбўйи минтақаси Россия учун ташқи иқтисодий алоқалар нуқтаи назаридан муҳим минтақалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда деярли Россия экспортининг 50 фоизи ва Россиянинг барча ташқи савдосининг учдан бир қисми Болтиқ денгизи портлари орқали амалга ошириб келинмоқда.

МДХ ва Болтиқ мамлакатлари институтининг Болтиқбўйи мамлакатлари бўлими мудир Михаил Александров бугунги кунда Россиянинг Болтиқбўйи минтақасига нисбатан аниқ бир стратегияси йўқ, В.Путиннинг президентлик лавозимида келиши билан Россиянинг ушбу минтақага нисбатан муносабатларини аниқлаштиришга ва унга нисбатан аниқ бир стратегия ишлаб чиқишга тўғри келади деб айтиб ўтган. Экспертнинг фикрича, Болтиқбўйи минтақасида Россия таъсирини қайта тиклаши лозим. Рус қироллари асарлар давомида мазкур минтақа устидан назорат ўрнатиш учун курашиб келишган, аммо М.Горбачёв ва Б.Ельцин даврида ушбу минтақа устидан назорат Россиянинг геосиёсий рақиблари томонига ўтган эди. Ўз навбатида, ушбу минтақа нафақат геосиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан, балки у этник рус миллатининг бирлиги нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади³. Маълумки, Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатларда энг асосий кескинлик рус тили ва рус

¹ Концепция внешней политики Российской Федерации. <http://www.mid.ru/ns-osndoc.nsf/0e9272befa34209743256c630042d1aa/d48737161a0bc944c32574870048d8f7?OpenDocument>

² Максимцев И. Перспективы интеграции России в Балтийском регионе в свете вступления в ЕС государств Балтии. Автореферат дисс на соискание ученой степени кан. эко. наук. – Санкт-Петербург. 2002 – С.6

³ Александров М. Стратегия России в Прибалтике нуждается в пересмотре. <http://m-alexandrov.livejournal.com/12329.html>

тилида гаплашувчи аҳолининг ҳуқуқлари масаласи ҳисобланади. Минтақа давлатлари мустақилликни қўлга киритгандан сўнг Эстонияда 475 минг аҳолисининг 30,3 фоизи, Латвияда 906 минг аҳолининг 34 фоизи ва Литвада 344 минг аҳолининг 9,4 фоизи рус миллатига мансуб аҳоли ташкил қилган¹.

Ўзбекистон Республикаси учун ушбу мавзунинг тадқиқ этилиши долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири дунё денгиз портларига чиқиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Ўзбекистон Болтиқбўйи давлатлари билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Чунки ҳозирги пайтда давлатимиз учун Болтиқбўйи портлари хавфсиз транспорт коридори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз минтақа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1995 йилда Латвияга қилган ташрифлари чоғида имзоланган икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2008 йилда Латвия Президенти Гунтис Ульманис Ўзбекистонга келиши икки томонла алоқаларнинг ривожланишига замин яратди. 2009 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 164,3 млн АҚШ долларини ташкил қилган².

Ўзбекистон ва Литва ўртасидаги муносабатлар ҳам ривожланиб бормоқда. 1995 ва 2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Литвага ҳамда 1997 йилда Литва Президенти А.Бразаускаснинг мамлакатимизга расмий ташрифлари давомида имзоланган келишувлар икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилмоқда. 2002 йил 23 сентябрда Президентмиз И.А.Каримовнинг Литвага расмий ташрифи чоғида журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Литва портларига хусусан,

¹Приходько С.Э., Трофимов А.М. Россия и Прибалтика – II. // http://old.nasledie.ru/politvne/18_29/article.php?art=10

² Савчук-Курбанов С. Узбекистан для Латвии является одним из самых значимых партнеров в Центрально-азиатском регионе. // <http://www.silkway.uz/newsmore/1001>

Клайпеда портига чиқиш мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг сезиларли даражада кенгайишига имконият туғдиради деб таъкидлаб ўтган¹.

2010 йил 2 ноябрда Эстония Республикаси Бош вазири Андрус Ансипнинг мамлакатимизга расмий ташриф билан келди. Бош вазир билан учрашув чоғида биз Эстонияга инфратузулмаси, транзит, транспорт соҳасидаги имкониятлари ривожланган давлат сифатида қараймиз, - деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов². Ўзбекистон билан Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатлар мамлакатимизнинг ЕИ давлатлари билан ҳамкорлигининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик савдо-иқтисодий ва сармоявий, энергетика ва транспорт коммуникациялари каби соҳаларни қамраб олмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ижобий ўсиш ҳолатлари кузатилмоқда. Мисол учун, бугунги кунда 1994 йил билан таққослаганда Ўзбекистоннинг Латвия билан товар айирбошлаш ҳажми деярли 8 мартага, Литва билан 3 мартага, Эстония билан 15 мартага ўсганлигин кўриш мумкин³.

Юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатлар ушбу тадқиқот ишининг ҳақиқатдан долзарб эканлигидан далолат беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Умуман, жаҳон сиёсатида Россия Федерациянинг тутган ўрни, унинг ташқи сиёсати ва устувор йўналишлари, ўзига чегарадош минтақалар билан олиб бораётган ўзаро сиёсати, Россия ташқи сиёсатида Болтиқбўйи давлатлари аҳамиятининг геосиёсий жиҳатлари, Россиянинг мазкур минтақа давлатларига нисбатан ташқи сиёсий фаолияти ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси учун аҳамияти маҳаллий ва хорижий олимлар, сиёсатшунослар, қатор

¹ Президент Ўзбекистана: выход к портам Литвы значительно расширит торгово-экономические отношения двух стран. // <http://ria.ru/economy/20020923/230314.html>

² Оксаройда қабул. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Эстония Бош вазири Андрус Ансипни Оксаройда қабул қилди. //Халқ сўзи, 2010 йил 3 ноябрь. – Б.1

³ Ўзбекистан – Балтия: торгoвля растeт. // <http://www.baltic-course.com/archive/rus/index.htm-read=10.htm>

тадқиқотчиларнинг ушбу муаммога бағишланган асарлари, илмий мақолалари ва ўқув қўлланмаларида ўрганилган.

Мазкур муаммонинг илмий-назарий ва методологик жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор асарларида, нутқларида ва халқаро ташкилотлардаги маърузаларида ҳар томонлама ёритилиб берилган¹.

РФ ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ва устувор йўналишлари, Россиянинг Болтиқбўйи давлатларига нисбатан сиёсати ҳамда унинг Ўзбекистон учун аҳамияти бир қатор ўзбек сиёсатшунос олимлари жумладан, С.С.Сафоев, Р.М.Алимов, С.А.Жўраев, Ш.Р.Арифхонов, Х.П.Умаров, Н.Э.Каримова, А.Т.Жалилов ва С.С.Шараповаларнинг китоблари, монографиялари ва илмий мақолаларида очиб берилган².

Бугунги кунда Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, Болтиқбўйи минтақасининг халқаро майдондаги тутган ўрни, Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатлари ва минтақадаги манфаатлари, Россия ва ЕИ ўртасидаги муносабатларда Болтиқбўйи давлатларининг роли ҳамда ЕИда хавфсизликни шакллантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида Россиянинг Болтиқбўйи мамлакатлари билан ўзаро алоқалари К.Воронов, А.А.Казанцев, Н.А.Нартов, В.А.Нартов, Д.Рогозин, Р.Х.Симонян, А.В.Торкунова, Д.Тренин, М.А.Троицкий каби бир қатор рус олимларининг асарлари ва мақоларида кенг ёритиб берилган³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б; Каримов И.А.. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 б; Каримов И.А.. Тинчлик ва ҳафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. Т.12 – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б; Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 264 б; Каримов И.А.. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б;

² Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Тошкент.: ЖИДУ, 2005. – 160 б; Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005. – 464 с; Жўраев С.А. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси (ўқув қўлланма). – Т.: Академия, 2007. – 302 б; Умаров Х.П. XX аср охирида Россия ташқи сиёсатида Ўзбекистон векторининг шаклланиши. //Шарқшунослик. – 2010. – №1-2. – Б.101-109; Жалилов А.Т. Евроосиё стратегик мувозанати (геосиёсий таҳлил тажрибаси). – Т.: Академия, 2007. –152 б; Шарапова С., Каримова Н., Шарапов А. Внутренняя и внешняя политика зарубежных стран Востока и Запада. Т.: Фан, 2006. 404 с; Арифхонов Ш.Р. Центральная Азия: Региональная интеграция и безопасность. – Т.: Академия, 2007.–188 с;

³ Симонян Р.Х. Россия и страны Балтии. 2-е изд., доп. – М.: РАН, 2005. – 502 с; Нартов Н.А, Нартов В.А. Геополитика. – М.: ЮНИТИ–ДАНА: Единство, 2007. – 527 с; Троицкий М.А. «Мягкая безопасность»: российско-балтийский подход. //Международная жизнь. –М.: 2008. – №6. – С.31-36; Рогозин Д. Россия-НАТО. Время исправлять ошибки. //Международная жизнь. –М.: 2009. – №4. – С.22-25; Воронов К. Восприятие России на севере Европы: знаки времени. //Мировая экономика и международные отношения. –

Ушбу магистрлик диссертациясини ёзиш давомида Россиянинг халқаро майдондаги ўрни, Россия ташқи сиёсатининг ўзига хос томонларни, унинг Болтиқбўйи минтақасидаги манфаатлари ва минтақа давлатлари билан олиб бораётган ўзаро алоқалари қатор ғарб олимлари хусусан, З.Бжезинский, Н.Муизниекс, О.Ингмар, М.Демури, Ж.Слеивети, А.Константин, В.Денисенкова бошқаларнинг мазкур муаммога бевосита бағишланган илмий асарлари, китоблари, журнал, газета ва интернет манбаларида чоп этилган мақолаларида атрофлича таҳлил қилинган¹.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадини замонавий даврда Россия Федерацияси ташқи сиёсатида Болтиқбўйи давлатларининг ўрни, минтақадаги Россия сиёсатининг тарихий ва замонавий жиҳатларини, бугунги кундаги Россиянинг Болтиқбўйи минтақасига нисбатан ташқи сиёсатини ҳамда унинг Марказий Осиёга таъсирини ўрганиб чиқиш ташкил этади.

Қўйилган мақсадга эришиш учун тадқиқот олдига қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- ташқи сиёсат шаклланишининг назарий жиҳатларини ўрганиш;
- замонавий даврда Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини таҳлил этиш;
- Болтиқбўйи минтақасининг Россия ташқи сиёсатидаги геосиёсий аҳамияти ва минтақага нисбатан Россия сиёсатининг асосий жиҳатларини очиб бериш;

М.: 2009. – №10. – С.43-51. Казанцев А.А. «Большая игра» с неизвестными правилами: Мировая политика и Центральная Азия. – М.: Фонд Наследие Евразии, 2008. – 252 с; Современные международные отношения. Учебник / Под. ред. А.В. Торкунова. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 1999. – 584 с; Д.Тренин. Балтийский шанс. Страны Балтии, Россия и Запад в складывающейся Большой Европе. – М.: Московский Центр Карнеги, 1997. – 224 с.

¹ Zbigniew B. The Grand Chessboard, American Primacy and Its Geostrategic Imperatives. - N-Y: Basic Books, 1997. – 217 p; Nils Muižnieks. Latvian-Russian Relations: Dynamics Since Latvia's Accession to the EU and NATO. – Latvia.: University of Latvia Press, 2011. – P.88; Ingmar O. Russia's Great Power Strategy under Putin and Medvedev. //Occasional Uipapers. –S.: 2010. – №1. – P.18-26; Demurin M. Russia and the Baltic States: Not a Case of "Flawed" History. //Russia in Global Affairs. –M.: 2005. – №3. – С.47-52. Sleivyte J. Russia's European Agenda and The Baltic States. // – L.: the Shrivenham papers, 2008. – 58 p; Konstantin A. Experts: Lithuania Is the Only Baltic State with Ambitions. //http://eurodialogue.org/Experts-Lithuania-Is-the-Only-Baltic-State-with-Ambitions; Denisenko V. Russia and Baltic States: silent "reset" of relations? //http://www.geopolitika.lt/?artc=4775

- Россиянинг Европа хавфсизлик тизимини шакиллантириш борасидаги сиёсатида минтақа давлатларининг ўрни таҳлил қилиш;

- Россиянинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлигининг сиёсий ва иқтисодий жihatлари тадқиқ этиш;

- Россия ва Болтиқбўйи минтақаси давлатлари ҳамкорлигининг устувор йўналишлари, мавжуд муаммолар ва истикболини кўриб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Россия Федерациянинг Болтиқбўйи минтақаси давлатлари билан олиб бораётган сиёсий, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий соҳалардаги алоқалари ташкил этади.

Тадқиқот предметини Россия ташқи сиёсатининг минтақавий жihatлари, унда Болтиқбўйи минтақасининг аҳамияти, минтақада рус миллий манфаатларини таъминлаш борасидаги сиёсати, қўллаётган восита ва стратегиялари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг фарази. Россиянинг Болтиқбўйи минтақасига нисбатан сиёсатининг фаоллашиши: а) минтақа давлатларининг Россия билан ҳамкорлигининг кенгайишига ва Ғарб давлатларининг рус чегаралардаги таъсирини камайтириш имконини беради; б) Россиянинг мазкур сиёсати ярим аср руслар назоратида бўлган Болтиқбўйи давлатлари томонидан миллий хавфсизликларига нисбатан таҳдид сифатида кўрилади ва Ғарб билан яқинлашишига олиб келади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси. Магистрлик диссертациясини тайёрлашда, аввало, методологик асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқлари, Россия ташқи сиёсатига доир ҳужжатлар ва давлатлар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда имзоланган ҳужжатлар шунингдек, мамлакатимиз, хорижлик олимлар ва тадқиқотчиларнинг асарлари, илмий ишлари, таҳлилий фикрлари ва бошқа ҳужжатлар назарий-методологик асос сифатида олинган.

Тадқиқот ишининг услубий асосини замонавий халқаро муносабатлар, глобал ва минтақавий муаммолар, давлатлар ташқи сиёсатини

тадқиқ этишда кенг фойдаланиладиган диалектика ва тизимли услубларга асосланган илмий тамойиллар ҳамда тарихий таҳлил ва қиёсий-сиёсий таҳлил услублари ташкил этди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Тадқиқот жараёнида Россиянинг Болтиқбўйи минтақасидаги стратегик манфаатлари ва Россиянинг минтақа давлатлари билан муносабатлардаги муаммоларнинг сиёсий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинди. Бугунги кунда Россия ва Ғарб давлатлари муносабатлари тизимида Болтиқбўйи давлатларининг ўрни, Марказий Осиё давлатларининг Болтиқбўйи минтақасидаги портларга чиқиш имкониятлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Бу иш Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги тегишли йўналишларини амалга оширишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот ишдан мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, диссертация гуманитар соҳаси бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий ғояси ва натижалари бўйича 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, 6 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. Ҳозирги даврда давлатлараро муносабатлар шаклланишининг назарий асослари

1.1. Ташқи сиёсат тушунчаси ва шаклланишга доир назарий ёндошувлар

Бугунги кунда халқаро майдонда, жаҳон сиёсатида ва жаҳон хўжалигида юз бераётган туб ўзгаришлар, кучлар нисбатининг халқаро муносабатларга таъсири кучайиб бораётган бир шароитда давлатлар ташқи сиёсатида миллий давлат манфаатлари устивор йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ташқи сиёсат дунёнинг ижтимоий қонун-қоидаларни, демократия, инсонпарварлик ва дунё миқёсидаги глобал муаммоларни ҳал қилишдан манфаатдор бўлган барча демократик кучлари билан бирдамликка, халқаро тузилмаларга янада фойдалироқ интеграцияга қаратишга асосланади.

Ҳозирги даврда турли сиёсий ва иқтисодий муносабатлар жадаллик билан ривожланиб борар экан, ҳар бир мамлакат унинг минтақавий ва халқаро даражадаги фаол иштирокчиси бўлишга ҳаракат қилади. Бундай иштирокнинг самарадорлиги бевосита ташқи сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланиди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ташқи сиёсатни назарий ва методологик жиҳатдан тадқиқ этиш, ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, халқаро муносабатларда амал қилаётган тамойилларга бўлган муносабати, мақсади ва вазифалари билан белгиланади.

Ташқи сиёсат давлатнинг ва жамиятдаги бошқа сиёсий институтларининг халқаро даражада миллий манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳамда ўзаро манфаатлар уйғунлигини амалга ошириш бўйича фаолиятидир. ташқи сиёсат – халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўли. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсий идораси ва бошқа структураларининг

халқаро майдонда миллий ривожланишининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадами сифатида ҳам қабул қилинади¹. Шу билан бирга, ташқи сиёсат халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўли тушинилади.

Умуман олганда ташқи сиёсат бирон бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёхуд халқаро ташкилотларга нисбатан амалга оширадиган сиёсий тадбирлари ҳам тушинилади. Ушбу хатти-ҳаракатларни асосан ўша давлатнинг ҳукуматлари ёки олий органлари сиёсий актор сифатида асосий ишни амалга оширади.

Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликни таъминлаш бугунги кунга келиб халқаро сиёсат ҳамда ҳуқуқ субъекти бўлмиш суверен давлатларнинг бош стратегик вазифаси ҳисобланади ва бу албатта ташқи сиёсатни амалга оширишда асосий туртки вазифасини бажаради².

Ҳар бир давлат учун бош вазифа жамиятда барқарорликни ўрнатиш, халқнинг тинч-фаровон ҳаётини таъминлаш бўлиб, айнан шу жиҳат миллий манфаатларнинг моҳияти, маъно-мазмунини ташкил қилади. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи томондан эса, тараққиётнинг бугунги босқичида миллат билан миллий манфаатлар ўртасидаги алоқадорлик. Миллат ёки халқ бўлмаса, унинг манфаатлари ҳақида сўз юритиш амримаҳол³.

Халқаро муносабатларнинг шаклланиши, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ташкил этилиш тенденцияси бевосита давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқдир. Ҳозирги даврда сиёсатшунослик фанида “ташқи сиёсат” атамаси ва унинг моҳияти борасида бир қатор илмий ишлар орқали назарий асослари яратилган бўлсада, “ташқи сиёсат” борасида ягона таъриф мавжуд эмас. Ҳар бир тадқиқотчи таъриф беришда тушунчанинг

¹ Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни. /Муал.гуруҳи. С.А.Жўраев ва бош. – Т.: Академия, 2011. – Б.293.

² Жўраев Т, Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик (ўқув қўлланма). –Т.: Академия, 2007. – Б.3.

³ Ўша ерда. – Б.31.

муайян бир жихатини очиб беришга интилган. Умуман олганда, мамлакатимизда чоп этилган “Халқаро муносабатлар” асрида келтирилишича, ташқи сиёсат - дунё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва амалга оширишга доир устувор тамойил ва саъй-ҳаракатлардир¹. Бундан ташқари “Сиёсатшунослик асослари” ўқув қўлланмасида ташқи сиёсатга қуйидагича таъриф берилади: “Ташқи сиёсат деганда, сиёсатнинг давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи тури тушунилади”². Бундан ташқари “Халқаро муносабатларнинг методологик аспекти” илмий дастурида ҳам:” У ёки бу давлатнинг ташқи сиёсати деганда – ташқи ишлар вазирлиги (ёки унга мувофиқ ташқи сиёсий идоралар) томонидан унга нисбатан кенг тузилмалар доирасида миллий манфаатлар акс эттирилган ҳолда ишлаб чиқилган давлат халқаро сиёсатининг асосий принципларини амалга оширилиши назарда тутилади”³. Ташқи сиёсий мақсадлар миллий манфаатларни акс эттиради. Уларни рўёбга чиқарар эка, давлат ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширади. Давлат ташқи сиёсати ҳам ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланади, уларнинг мураккаб ўзаро ҳосиласи ҳисобланади.

Бу айни ҳақиқат бўлиб, давлатлар ташқи сиёсатини амалга оширишда унинг ташқи сиёсий органлари асосий вазифани бажаради. Бу вазифаларга эса давлат суверенитети тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, давлат раҳбарининг ташқи сиёсий курсини амалга ошириш, хорижий мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотларда давлат манфаатлари ҳамда фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат ташқи сиёсат стратегияси, унинг ташқи сиёсий манфатларини илгари суриш каби функциялар киради⁴.

Бу, энг аввало, ташқи сиёсатнинг шаклланиши ва таъсир доирасининг кенгайиши муайян ресурслар билан боғлиқдир. Америкалик сиёсатшунос

¹ Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик). –Т.: Академия, 2006. –Б.91.

² Гафуров С.М., Хайдаров А.А., Тўлаганова Н.Ў., Сиёсатшунослик асослари:Ўқув қўлланмаси. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2006. –Б.232.

³ Юлдашева Г.И. Халқаро муносабатларнинг методологик аспекти. –Т.: Математика ва ахборот технологиялар институти босмаҳонаси, 2009. –Б.8.

⁴ Жўраев С. А.Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси. Ўқув қўлланмаси – Т.: Академия. 2007. – Б.22

Г.Аллинсон долзарб муаммо сифатида ташқи сиёсатнинг шаклланишини тадқиқ этиб, унинг учта асосий моделини белгилаб берди:

Биринчи модел – классик модел бўлиб, унда ташқи сиёсат акторнинг онгли, кенг режалаштирилган фаолияти сифатида намоён бўлади;

Иккинчи модел – ташқи сиёсатнинг уюшган акторлар ва жараёнларнинг мажмуаси сифатида намоён бўлиши;

Учинчи модел – ташқи сиёсат сиёсий муассаса ва унинг етакчилари фаолияти натижаси сифатида намоён бўлиши¹. Ушбу моделда муаллиф Бюрократик концепцияни илгари суради. Негаки ушбу концепцияда ташқи сиёсат йўналишини белгилашда сиёсий етакчининг роли устивор эканлигига кўрсатиб ўтган ва асосий эътиборини унинг хатти харакатига қаратган.

Бу муаммони назарий жиҳатдан тадқиқ этган олимлардан яна бири Р.Боск бўлиб, “Дунё социологияси” асарида давлат салоҳиятини ўз мақсадларига эришиш учун қўлланиши зарур бўлган ресурслар мажмуида деб кўрсатади. Бу фақатгина давлат салоҳиятини ифодалаб қолмай, балки ташқи сиёсатнинг шаклланиш асослари ҳамдир. Шунга кўра давлат салоҳияти икки – физик ва маънавий (руҳий) омилдан иборат захиралар мажмуи сифатида изоҳланади.

Физик омил қуйидаги элементлардан иборат:

1. Ҳудуд (географик омил, ҳамда унинг устунликлари ва афзалликлари);
2. Аҳоли (демографик салоҳият);
3. Иқтисод (унинг ҳам бир қанча кўринишлари мавжуд бўлиб, булар: иқтисодий ресурслар; қишлоқ хўжалиги ва саноат; ҳарбий салоҳият);

Давлат ташқи сиёсатининг шаклланиши моддий ресурслар доирасида чекланиб қолмай, ушбу жараёнда маънавий ресурслар ҳам алоҳида ўрин тутади. Ўз навбатида давлат салоҳияти, бевосита давлат ташқи сиёсатининг

¹ Мировая политика и международные отношения: Учебное пособие. /Под. ред. С.А.Ланцова, В.А.Ачкасова. – СПб.:Питер, 2009. – С.266.

моҳияти ва хусусиятини белгилашга таъсир кўрсатувчи маънавий омиллардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:¹

1. Сиёсий тузум ва мафкура;
2. Аҳолининг умумий ва техник маълумоти даражаси;
3. Миллий ахлоқ ва жамиятнинг ҳуқуқатвор даражаси;

Шунингдек, рус олими Г.А. Дробот ҳам давлатнинг халқаро майдондаги даражасини оширишга, кучли ташқи сиёсатнинг шаклланишига олиб келувчи ресурсларни икки: моддий ва номоддий ресурсларга ажратган. Моддий ресурслар таркибига давлатнинг географик, демографик, иқтисодий ва ҳарбий ресурсларни келтирган. Номоддий ресурслар сифатида сиёсий, ижтимоий, мафкуравий, маданий, инфорацион ва илмий-технакавий ресурсларни кўрсатган. Бундан аён бўладики, давлат салоҳиятини белгиловчи ҳар омил унинг ташқи сиёсатини ҳам шаклланишига мунтазам ўз таъсирини кўрсатади. Шунга кўра давлатнинг халқаро майдондаги ҳолатига кўра ташқи сиёсат таъсирчанлиги ҳам ўзгарувчан характерга эга бўлади. Шу боис ташқи сиёсат ва унинг шаклланиш масаласи кўплаб олимларнинг тадқиқот объектини ташкил этган.

Бошқа америкалик сиёсий психологлар И.Джейнис ва Л.Манн ташқи сиёсий қарор қабул қилиш стратегиялари тадқиқ этиб, уларни 7 босқичга бўлган:²

Биринчи босқичда қарор қабул қилувчи шахс мавжуд бўлган барча муқобил фаолиятни кўриб чиқади;

Иккинчи босқичда, эришилиши зарур бўлган барча мақсадларни ўрганади;

Учинчи босқичда ҳар қандай қарор оқибатининг ижобий ва салбий жиҳатларини синчиклаб, диққат билан текшириб чиқади;

Тўртинчи босқичда вазиятни тўғри баҳолашга ёрдам берадиган янги маълумотларни фаол равишда қидиради;

¹ Юлдашева Г.И. Халқаро муносабатларнинг методологик аспекти. –Т.: Математика ва ахборот технологиялар институти босмаҳонаси, 2009. – Б.168-169.

² Великие державы в мировой политике: США. // http://www.worldspol.socio.msu.ru/programmi/Velike_derwavy_v_mirovoy_politike_SSA.doc - 21.02.2009.

Бешинчи босқичда мазкур янги маълумотларни, шунингдек экспертлар фикрини таҳлил қилади;

Олтинчи босқичда етакчи яна муқобил қарорнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганишга қайтади;

Еттинчи босқичда танланган вариантни амалга оширишнинг ҳамма деталларини ишлаб чиқади, шунингдек ҳар эҳтимолга қарши захира вариантларини ҳам.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ташқи сиёсат мақсади давлат суверенитетининг яхлит ва бўлинмас эканлигини таъминлашдир, бугунги кунда унга нисбатан икки хил ёндошув шаклланмоқда. Бир тоифа мутахассислар (халқаро сиёсий терминологияда “идеалистлар” деб аталади) ташқи сиёсатда глобал, умумбашарий манфаатлар ва хавфсизликни миллий давлат манфаатларидан устун қўйишса, бошқа бир гуруҳ мутахассислар (улар “прагматик” номи билан таниш) бугун ва яқин келажакда ташқи сиёсатда давлат суверенитети устиворликни ўзидан сақлаб қолиши маъқул ва самарали эканлиги тўғрисида фикр билдиришмоқда. Лекин бугунги кунда мураккаб босқичда реал жараёнлар, ечимини кутиб турган долзарб муаммолардан келиб чиқиб барча давлатлар, керак бўлса, ўзаро ҳамкорликни муросаю-мадора йўли билан тан олиш, бу борада дипломатик расмийликдан йироқлашув муайян ишларни амалга оширишлари лозим бўлади¹. Бошқача айтганда, ташқи сиёсатнинг бош мақсади халқаро майдонда давлат миллий манфаатларини таъминлашдир. Миллий манфаатлар – давлат ташқи сиёсатининг амалиёти ва назариясида, дипломатияда, миллий хавфсизликни таъминлашда асосий тушунча сифатида халқаро муносабатлар тизимида энг кўп қўлланиладиган атамадир.

Ушбу атама Европада миллий давлатлар пайдо бўлиши жараёни кетаётган пайтда, XVII асрда дипломатик муомалага кириб келди. Уруш, аннексия, мустамлакаларни босиб олиш, дипломатик муносабатларнинг

¹ Политология: Ўқув қўлланма. /Муал. гур. проф. И.Эргашев таҳрири остида. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.231-32.

узилиши ёки тикланиши, давлатлар ўртасидаги иттифоқлар ёки коалициялар тузилишидан иборат барча ташқи сиёсат миллий манфаатларни сақлаш ёки химоя қилиш йўлида содир бўлган. Шу билан бирга, “миллий манфаат” тушунчаси сиёсат тилида ёки дипломатик амалиётда қўлланишига қарамасдан, уни талқин этишдаги баҳслар бугун ҳам тўхтагани йўқ.

Сиёсатшунос олим С.Жўраев фикри билан изоҳлаганда, албатта, биз “миллий манфаатлар” деганимизда талаб, эҳтиёжни тушунамиз, улар қониқтирилмас экан, миллат ва давлатнинг мавжудлиги муаммоли бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам эътироф этиш лозимки, “миллий манфаатлар” – фойда ва ғараз дегани ҳамдир, уларсиз ташқи сиёсий, иқтисодий стратегияларни ва жаҳон майдонида давлатнинг ҳуқуқ-атвор тактикасини куриб бўлмайди¹. Бу эса ташқи сиёсий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Бу борада мавжуд турли мактаб вакиллари ўз назарияларида ушбу масалани ўрганиб чиққанлар. Шунинг учун ҳам ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда ўзаро таъсири муаммоси – сиёсий фанларнинг мураккаб мунозарали муаммоларидан биридир. Халқаро – сиёсий фанларнинг ҳар бир йўналиши ушбу муаммони сиёсатни ҳаракатлантирувчи кучлари ва манбалари асосидаги ўз шахсий тасаввурларидан келиб чиқади.

Масалан, *сиёсий реализм* тарафдорлари ташқи ва ички сиёсат охири оқибат куч учун курашга олиб келадиган ягона мазмунга эга бўлсада, давлат фаолиятининг принципиал жиҳатдан фарқли соҳаларини қамраб олади. ташқи сиёсат икки таркибий қисидан иборат миллий манфаатлар билан белгиланади: биринчиси. тирик қолишнинг қатъий талаби, иккинчиси, бу манфаатларнинг вақт ва макондаги аниқ шакли. Ушбу шаклнинг белгиланиши ташқи дунё билан алоқаларда монополияга эга давлатга тааллуқли. Миллий манфаатлар асоси доимий характерга эга бўлади, шунинг учун давлат ҳаётининг ички омиллари реалистлар томонидан миллий манфаатлар табиатига таъсир қилиш имкониятига эга деб ҳисобланмайди.

¹ Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар. –Т.: Академия, 2007. –Б.72-74.

Бошқа назарий мактаб ва йўналишлар нуқтаи назарига кўра, ички ва ташқи сиёсатшунчалик бир-бири билан боғлиқ эмас, уларнинг алоқалари детерминативдир. Улар детерминациянинг икки версияси мавжуд:

1. *Ортодоксал марксизм* нуқтаи назарига кўра, ташқи сиёсат – ички сиёсий тизимнинг синфий моҳияти акси бўлиб, бу моҳиятни ифодаловчи иқтисодий муносабатларга боғлиқ бўлади.

2. *Геосиёсий концепция* тарафдорлари, “Бой шимол” ва “Камбағал жануб” назариялари шунингдек, боғлиқликнинг неомаркистик назарияси, “жаҳон маркази”, “жаҳон перифереяси” ва бошқа қарашларга кўра ташқи сиёсат мажмуаси ташқи мажбурловчи кучлардир. Гап “марказ” ва “периферия” ўртасидаги ташқи сиёсий курашнинг асосий майдони бўлган носимметрик ўзаро боғлиқлик муносабатлари мавжудлиги тўғрисида бормокда. Ички сиёсий жараёнлар аҳамияти, у ёки бу давлатлар доирасида партиялар ва ҳаракатлар кураши, ички сиёсий жараёнлар аҳамияти, уланинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни билан белгиланади.

Неореализм ва структурализм вакиллари учун ташқи сиёсат ички сиёсатнинг давоми ҳисобланади, халқаро муносабатлар эса ички ижтимоий муносабатлар давоми сифатида қабул қилинади.

Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги концепцияси вакиллари мазкур мазкур масаланинг таҳлилида ички ва ташқи сиёсат ягона асос – давлатга эга деган фикрга асосланишади. Давлат ҳокимияти икки монополияга эга: ўз ҳудудида куч ишлатиш ҳуқуқи, қонуний солиқлар олиш ҳуқуқи. Лекин давлатнинг бу икки монополиясини амалга ошириш давлатнинг ҳарбий ахборот ва бошқа илғор технологиялари ривожига даражасига бевосита алоқадор бўлади. Шу сабабли ушбу концепция тарафдорлари учун ички сиёсатнинг ташқи сиёсатга нисбатан бирламчилиги ёки акси ҳолати мутлоқ аҳамиятга эга эмас; уларнинг фикрига кўра, ҳар икки ҳолат, авваламбор, технологик характердаги омиллар билан белгиланади.

Трансмиллий мактаби тарафдорлари янада илгари кетишади. Уларнинг фикрига кўра, иштирокчиларнинг турли эканлиги ўзаро таъсир кўринишлари

ва каналлари ҳар хил эканлиги давлатни халқаро мутлоқ марказидан сиқиб чиқаради. Кўз ўнгимизда сиёсатни ички ва ташқиға бўлиб аҳамиятли бўлмаган глобал дунё пайдо бўлади. У биринчилардан бўлиб, дунёнинг “иккиға бўлиниши”га оид фикрларни баён этди: замонавийлик, бир томондан, давлатлараро ўзаро муносабатлар майдонлари мавжудлиги билан характерланади, бу ерда классик дипломатия ва стратегия “қонунлари” амалда бажарилади; бошқа томондан, “суверенитетдан ташқари” акторлар, яъни нодавлат иштирокчилар тўқнашадиган майдон мавжуд¹.

Умумлаштириб айтганда, ташқи сиёсат дунёнинг ижтимоий қонун қоидаларни, демократия, инсонпарварлик ва дунё миқёсдаги глобал муаммоларни ҳал қилишға манфаатдор бўлган барча демократик кучлари билан бирдамликка, халқаро структураларға, хусусан парламентлараро структураларға янада фойдалироқ интеграцияға қаратишға асосланади. Ташқи сиёсат давлатларнинг халқаро ҳамжамият доирасида миллий манфаатларини таъминлашға, хавфсизлигини кафолатлашға қаратилган оқилона сиёсат олиб бориш воситаси бўлиб, ўз навбатида ушбу фаолият бир қатор зарурий стратегияларни ҳам қамраб олади. Ушбу стратегиялар доимий равишда ижобий характерға эға бўлмасдан, кўп ҳолларда умумбашарий манфаатлардан кўра индивидуал манфаатлар устиворлиги акс этади. Шунингдек, ташқи сиёсатни таъсирчан ва пухта ташкил этишда давлатнинг турли соҳаларидаги салоҳияти, ташқи сиёсий ресурслари, геостратегик жойлашуви ва сиёсий етакчининг қатъияти асосий омиллар сирасиға киради.

1.2. Россия ташқи сиёсатининг назарий-ҳуқуқий асослари ва устивор йўналишлари

Россия кўп асрлик тарихи ва бой маданий анъаналари билан дунёнинг йирик мамлакатларидан бири ҳисобланади. Россия жаҳон давлатлари орасида ҳудуди бўйча биринчи ўринда ҳамда улкан захираларға эға бўлган давлат

¹ Юлдашева Г.И. Халқаро муносабатларнинг методологик аспекти. –Т.: Математика ва ахборот технологиялар институти босмаҳонаси, 2009. –Б.8-10.

хисобланди. Россия геосиёсий ва геостратегик нуқтаи назардан қулай ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг сарҳадлари Яқин шарқдан Европа қитъасигача бўлган улкан ҳудудларни ўз ичига олади. Шундай экан, Россия Федерацияси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил этиш, бугунги кундаги ташқи сиёсатининг устувор йўналишларининг ўзига хос томонларини ўрганиш муҳим аҳамиятга.

Аввола ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг асосий ҳуқуқий асоси бўлиб унинг Конституцияси хизмат қилади. Унда давлатнинг ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва тамойиллари белгилаб берилган бўлади. Бинобарин, Россия Федерацияси Конституцияси – давлатнинг асосий қонуни ҳисобланиб, Россиянинг ташқи ва ички сиёсий фаолиятини шакллантиришда ҳуқуқий асосини ташкил этади. Конституцияда ифодаланган талаблар ва мезонлар, ҳусусан, Россия ташқи сиёсати Концепцияси ишлаб чиқилишидаги муҳим дастури амал сифатида фойдаланилган.

Бундан ташқари Россия Ташқи Сиёсат Концепциясининг назарий-ҳуқуқий асослари, федерация қонунларида, умумэътироф қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари ҳамда давлат ҳокимияти федерал органларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи қатор меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Жумладан, Россия Федерацияси Ташқи Сиёсат Концепцияси, Россия ташқи фаолиятининг муҳим йўналиш ва қарашларини белгилаб, ташқи сиёсий йўналишида инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни устувор вазифа сифатида эътироф этилади.

Россия Федерацияси жаҳон сиёсатида етакчи куч марказларидан бири бўлиб, рус олимларини таъкидлашларича “буюк давлат” сифатида Россия 250 йиллик тарихга эга. Шу жиҳатдан жаҳонда янги сиёсий тартиботнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсата олиш имконига эгадир. Бу, энг аввало, халқаро муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган Россиянинг ташқи сиёсий ресурслари билан белгиланади. Ушбу ресурслар таркибига рус олими Г.А.Дробот эътироф этганидек, географик, демографик, иқтисодий ва ҳарбий

ресурсларни келтириш мумкин. Бу ресурслар моддий характерга эга бўлиб, номоддий ресурслар сиёсий, ижтимоий, мафкуравий, маданий, информацион ва илмий-технакавий ресурслардан иборат¹.

Россия Федерациясининг ташқи сиёсий ресурслари тўхталиб ўтадиган бўлсак, Россия географик жиҳатдан дунёдаги энг катта ҳудудга эга - 17.075.200 км кв. Бу ер шарига куруқликнинг 1/8 қисмини ташкил этади. Жаҳоннинг стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган Яқин Шарқ, Европа, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ минтақалари билан туташ чегараларга эга ва кўплаб денгизга чиқиш портлари мавжуд. Шарқ ва Ғарб давлатларини бир бири билан боғлаб туриш вазифаларидан бирини бажаради.

Россиянинг демографик ҳолати кўра аҳолиси 2009 йил июлдаги маълумотларга биноан 140,702,096ни ташкил этиб², бу жиҳатда жаҳонда еттинчи ўринда туради. Бироқ аҳоли ўсиши йилдан йилга камайиб бормоқда, бу кўрсаткич 2009 йилда - 0,474%га тенг бўлган.

Иқтисодий потенциалига кўра, Россия тез тараққий этиб бораётган давлатлардан биридир. 1998 йилга иқтисодий инкироздан буён иқтисодий ўсиш йилига ўртача 7% ташкил этмоқда. ЯИМ 2007 йилда 129 млрд.долларни ташкил этган. Асосий экспорт ҳамкорлари Нидерландия - 12.2%, Италия - 7.8%, Германия - 7.5%, Туркия - 5.2%, Белорусия - 5%, Украина - 4.7%, Хитой - 4.5% (2007) ва импорт ҳамкорлари Германия - 13.3%, Хитой - 12.2%, Украина - 6.7%, Япония - 6.4%, АҚШ - 4.8%, Белорусия - 4.4%, Жанубий Корея - 4.4%, (2007)³. Шунингдек, Россиянинг иқтисодий жиҳатдан жадал суратда ўсишига унинг улкан бойликларга эга эканлиги, хусусан, энергетикага талаб ва баҳосининг ошиб боришидир. Бугунги кунда мамлакат нефт захираси 60 млрд. барел ва табиий газ захираси эса 47,57 трлн. куб м. (2008 1 январ). Жаҳон жамияти нефт экспортининг 15% Россия ҳиссасига тўғри келади ва бу жиҳатдан Саудия

¹ Великие державы в мировой политике: США. // http://www.worldspol.socio.msu.ru/programm i/Velikie_derwavy_v_mirovoy_politike_SSA.doc

² Central Intelligence Agency. // <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/rs.html> - 18 December 2009

³ Ibid.

Арабистонидан (16,1%) сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Бироқ таъкидлаш жоизки, Россия экспорти ва ЯИМнинг катта қисми ҳам ашё дароматига тўғри келиши, Россия ФА халқаро хавфсизлик Маркази директори А.Арбатов таъкидлаганидек, унинг жаҳон сиёсий майдонида барқарор ролини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин¹. Айниқса бугунги жаҳон иқтисодий инқироzi ва нефт нархининг кескин тушиб кетган даврида.

Ташқи ва хавфсизлик сиёсатида ҳал қилувчи омил бўлган Россия ҳарбий потенциалига тўхталадиган бўлсак, бу борада Россия жаҳонда икки ҳарбий қудратли давлатлардан биридир. Ҳозирги даврда жаҳондаги ядровий қурол захирасининг 95% АҚШ ва Россияга тегишлидир. Гарчи собиқ иттифок парчалангандан сўнг ҳарбий харажатлар қисқарганига қарамай, 2007 йилда ҳарбий харажатлар 35,4 млрд. долларни ташкил этган, бу жаҳондаги шу соҳадаги умумий харажатларнинг 3% ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Стокгольм халқаро тинчликни тадқиқ этиш институти (SIPRI)нинг 2009 йилги докладига биноан жаҳон қурол ярoқ бозорида Россия улуши 25%ни ташкил этган (АҚШ-31%). 2005 – 2009 йил умумий етказиб берилган қуролларнинг 45% Хитой, 22% Ҳиндистон, 5% Венесуэла ва 4% Жазoир ҳиссасига тўғри келган².

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ва XXI асрнинг бошларидаги жаҳон сиёсий майдонидаги кескин ўзгаришлар: икки қутбли дунё тартиботининг барҳам топиши, Собиқ СССР ва Варшава ташкилотининг парчаланиши, глобал характердаги муаммоларнинг вужудга келиши, халқаро хавфсизликка таҳдиднинг янги кўринишларининг юзага келиши, халқаро муносабатлар тизимида янги етакчиликка даъвогар куч марказларининг шаклланиши Россия ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва замонавий давр талабларига мослаштириш зарурати туғилди. Бу эса ташқи сиёсатнинг янги ҳуқуқий асосларининг яратилишига замин яратди.

¹ Каранг. Интервью с А.Абратов. Россия хочет изменить мировой порядок. // <http://www.carnegie.ru/ru/pubs/media/78622.htm> - 17.07.2009

² <http://www.top.rbc.ru/economics/10/06/2008/181393.shtml>

Россия ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида халқаро кўп ва икки томонлама шартномалардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни келтириш мумкин¹:

- Энг аввало, Россия Федерацияси Конституцияси (1993 йил 12 декабр);
- Россия Федерацияси ташқи сиёсий концепцияси (12 июль 2008 йил);
- Россия Федерацияси миллий хавфсизлик Концепцияси (2000 йил 10 январ);
- Россия Федерацияси ҳарбий Доктринаси;
- 2020 йилгача даврдаги Россия Федерацияси денгиз Доктринаси (2004 йил 18 август);
- Россия Федерацияси ахборот хавфсизлиги Доктринаси (2000 йил 20 январ);
- халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида Россия Федерацияси давлат сиёсати Концепцияси (2000 йил 20 январ);
- Россия Федерацияси экологик доктринаси;
- Россиянинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари билан стратегик Курси;
- Россия Федерацияси давлат миллий сиёсати Концепцияси ва бошқа ҳужжатлар.

Россия ташқи ва ички сиёсатини назарий-ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Россия Федерациясининг ташқи сиёсат соҳасидаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини тизимлаштириш шуни кўрсатадики, уларда давлат ташқи сиёсатининг энг устувор вазифалари, мамлакатнинг халқаро майдонда фаол сиёсат олиб боришга ва етакчи давлатлардан бири сифатида ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган.

¹ Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти . <http://www.mid.ru/ns-osndoc.nsf/osndoc?OpenView&Start=1&Count=30&Expand=2#2>

Мълумки, Россия ташқи сиёсатининг устивор йўналишлари ва бу борадаги фаолиятининг шаклланишида юқорида келтирилган, бошқа бир қатор халқаро ва миллий қонунчилик меъёрлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, 2008 12 июлда Президент Д.Медведев томонидан тасдиқланган “Россия Федерацияси ташқи сиёсий Концепцияси”да Россия Федерациясининг ташқи сиёсий принциплари ва устивор йўналишлари, унинг моҳияти белгилаб берилган. Концепцияга мувофиқ, Россиянинг халқаро майдонда ва глобал муаммоларни ҳал қилиш ташқи сиёсий устивор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган: Янги жаҳон тузилмасини ташкил этиш. Бу система жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир аъзосига сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, инфор­мацион, гуманитар ва бошқа соҳаларда ишонли ва тенглик та­мо­йилига асосланган ҳафвсизликни таъминлашга даъват қилишдан иборат. Унинг бош инструменти кўп томонлама дипломатия белгиланган. БМТ халқаро муносабатларни бошқариш ва тартибга солишдаги ро­лини оширишга алоҳида тўхталиб ўтилган;

1. Халқаро муносабатларда ҳуқуқ устиворлигини таъминлаш;
2. Халқаро ҳафвсизликни мустаҳкамлаш;
3. Халқаро иқтисодий ва экологик ҳамкорликни кучайтириш;
4. Халқаро гуманитар ҳамкорлик ва инсон ҳуқуқлари устиворлигини таъминлаш;

5. Ташқи сиёсий фаолиятни ахборот билан таъминлаш;

Шунингдек, ушбу концепцияда Россия Федерацияси ташқи сиёсатининг минтақавий приоритетлари (устивор йўналишлари) борасида ҳам тўхталиб ўтилган. Улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- МДХ давлатлари билан икки ва кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш (шунингдек, Евросиё, КХШТ ва ШХТдоирасида);

- Қора денгиз ва Каспий денгизи қирғоғидаги давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш;

— Европа йўналиши – шунингдек, ЕХҲТ ва Европа Кенгаши доирасидаги алоқалар;

— Европа Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш. Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Финландия, Греция, Нидерландия, Норвегия ва бошқа бир қатор Ғарбий Европа давлатлари билан ўзаро фойдали икки томонлама алоқаларни ривожлантириш;

— Арктика ва Европа Арктика минтақасида Шимолий Европа билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;

— АҚШ, НАТО ва Россия Кенгаши доирасида муносабатларни ривожлантириш;

— Осиё Тинч Океани мамлакатлари, АСЕАН, Хитой ва Ҳиндистон билан келгуси ҳамкорликни ривожлантириш;

— Яқин Шарқ, мусулмон мамлакатлари, Африка ва Лотин Америка давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш¹.

Бевосита 1990 йиллардан бошлаб, Россия ташқи сиёсати тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, рус олими Г.А.Дробот таъкидлаганидек замонавий Россия ташқи сиёсатини уч босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич. Россия ташқи сиёсатининг бу босқичи 1980 йиллар охирида совуқ уруши барҳам топиши, Вашингтон Шартномаси ташкилотининг тугаши, совет иттифоқининг парчаланиши билан бошланган. Бир неча йиллар давомида, яъни 1990 йиллар иккинчи ярмига қадар демократик тизимга ўтиш ривожланди. Ғарбда “демократик Россия энди бизга душман эмас” ҳолати вужудга кела бошлади ва ўзаро қарама қаршилик, низолар учун сабаб бўлган бош омиллар тугади дейиш мумкин. Бир қатор таҳлилчилар наздида, Россия АҚШ етакчилиги қиляётган Ғарб дунёсига бирлашиб кетди деган қарашлар ҳам юзага келди.

¹ Концепция внешней политики Российской Федерации. // <http://www.mid.ru/ns.osndoc.nsf/0e9272bafa34209743256c630042d1aa/d48737161a0bc944c32574870048d8f7?OpenDocument>

Россияда ҳам либерал характерга эга давлат раҳбари Б.Ельцин ва ташқи ишлар вазири А.Козырев даврида Ғарб билан, хусусан, АҚШ билан дўстона алоқалар икки йўналишда: иқтисодий ва ҳарбий сиёсий йўналишда ривожланди. 1992 йил бошида Россия томони АҚШ билан алоқаларда очиқликни намоён этди. Президент Б.Ельцин расмий равишда мамлакатнинг ядровий қуроллари АҚШ территориясига йўналтирилмаслигини билдирган¹. Россия иқтисодий ислохотлар учун 1990 йилларда Ғарбнинг катта молиявий ёрдамларидан фойдаланди. Натижада барча муҳим халқаро масалалар, жумладан қуролланиш бўйича музокараларда, Россиянинг америка ташқи сиёсати таъсирига берилди дейиш мумкин.

Бу даврда Россиянинг ролини тушиши ва унинг муҳим халқаро муаммоларда АҚШга ён беришини икки омил орқали изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, мамлакатда аниқ ва пухта ишлаб чиқилмаган ислохотлар натижасида даставвал Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий потенциали сезиларли даражада тушиб кетиши;

Иккинчидан, Россиянинг иқтисодий, ҳарбий ва техникавий қудратининг тушиб кетиши, унинг халқаро майдондаги обрўсининг тушига олиб келди. Бошқача айтганда, икки қутбли даврдаги таъсирини бой берганлигидир. Масалан, 1999 йил Югославия инқарозида Ғарбга таъсир ўтказа олмаганлиги².

Бугунги кунда солиштирадиган бўлсак, Россиянинг ташқи сиёсатга ажратаётган ҳаражати паст кўрсаткичда қолмоқда. Ташқи сиёсатга АҚШ - 300 млрд. доллар, Япония - 50 млрд. атрофида, Англия - 40 млрд.га яқин, Россия эса - 8 млрд.доллар сарфлайди³.

Иккинчи босқич. Россия ташқи сиёсатининг иккинчи босқичи ўтган асрнинг сўнггида бошланди. Сабаб НАТОнинг Шарққа кенгайиши билан боғлиқ биринчи музокараларнинг бошланиши ва Альянснинг Югославия

¹ Протопопов А.С., В.М.Козменко, Н.С.Елманова История международных отношений и внешней политики России 1648-2005. М.: АСПЕНТ ПРЕСС, 2006. – С. 311.

² Мухаев Р.Т. Политология. – М.: ПРИОР, – 2002. – С.386.

³ Корунова С.В. Внешняя политика России: что необходимо предпринять. // <http://www.wpec.ru/text/200808100918.htm>

(1999)га қарши агрессияси билан боғлиқ. Бу Россия ташқи сиёсати учун жиддий зарба эди.

Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, 1996 йил охиридан бошлаб Россия ташқи сиёсатидаги бош муаммо НАТОнинг шарққа кенгайишидир. НАТОга пост совет мамлакатларини қабул қилишнинг биринчи тўлқини 1997 йил июлда НАТОнинг Испаниянинг Мадрид шаҳридаги кенгашида Польша, Венгрия ва Чехияни қабул қилиш борасида қарор қабул қилинган ва бу жараён 1999 йилда ниҳоясига етган эди. Бу мамлакатлардаги қайта қуруланиш ва ҳарбий инфраструктурани тиклаш учун 10-15 млрд.доллар ажратилиши ҳам ҳисобга олинди¹.

Мазкур даврдаги муҳим жиҳатлардан яна бири жаҳон сиёсатида яна бир кучли актор - Хитойнинг таъсири кучая бошлаганидир. 1990 йиллар охиридан - Ден Сяопин бошлаган ислохотлардан тахминан йигирма йилдан сўнг - жаҳон ҳамжамияти эътиборини ХХРга қаратишди. Иқтисодий қудрати ошган Хитойнинг ҳарбий потенциалини модернизация қилишга ўтиши, мамлакат халқаро муносабатларнинг янги даврида жиддий омилга айланди.

Россия ташқи сиёсатининг янги даври бошланишини аниқлаб берган омиллардан бири АҚШнинг 1900-2000 йилларда халқаро муносабатлардаги ролининг ўзгарганлиги ва ягона етакчи позициясини эгаллашга уриниши билан характерланади. Россиянинг ўз муаммолари доирасида қолганлиги, Хитойнинг етарлича рақобатбордош эмаслиги, Европа иттифоқи ва Япониянинг АҚШ билан биргалиги Американинг дунёда гегомонликка интилишига олиб келди. Шу даврдан бошлаб, АҚШ “ўз йўлидан юриш”ни синаб кўрмоқда, қолган давлатлар у билан ҳисоблашиши зарур, деган фикрни билдирган олим Г.А.Дробот.

Россия ташқи сиёсатининг иккинчи даври бошланиши амалиётда Россия Президенти сифатида 2000 йилда В.Путиннинг сайланиши билан

¹Протопопов А.С., В.М.Козменько, Н.С.Елманова История международных отношений и внешней политики России 1648-2005. М.:АСПЕНТ ПРЕСС, 2006. – С.317.

боғлиқ. Унинг ташқи сиёсатини буюк давлатчилик тамойилига асосланган дейиш мумкин ва икки муҳим таркибий қисмини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, Россия ташқи сиёсий йўналишини қайта ташкил этиш, шунингдек, замонавий дунёда етакчи куч марказларининг катта қисми билан, шу жумладан АҚШ, ЕИ, Хитой, Ҳиндистон, Лотин Америка давлатлари ва Яқин Шарқ билан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда алоқаларни қўллаб-қувватлаш.

Иккинчидан, жаҳонда АҚШ гегемонлигига йўл қўймаслик сиёсатидан бориш, 1990 йил охиридан, ташқи ишлар вазири Е.Примаков бўлган даврдан, бошланган. Жорж Масон Университети профессори М.Н.Катцнинг таъкилашича, Россиянинг ҳозирги президенти Д.Медведев ва собиқ президент В.Путиннинг ташқи сиёсати АҚШ “гегемонияси” ва “бир қутбли дунё” ғояси таъсирини камайтиришга уринишмоқда ва кўп қутбли дунё тартиботида Россияни йирик қудратли давлатга айлантиришга уринишмоқда.

Е.Примоков билан Россиянинг буюк давлат мақомини сақлашга келишган ҳолда, В.Путин Ғарб томонидан бўладиган таҳдидлар таъсирини камайтиришга эътибор қаратди. Шу билан бирга у Европа давлатлари ва АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантиришга уринди.

В.Путин Россиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг Осиё давлати эмас, Европа давлати сифатида қолишини тасдиқлади. Бу борадаги кўплаб қийинчиликларга қарамасдан, Президент ўзининг иккинчи президентлик даврида (2004-2008) Россиянинг Европа давлати сифатида қолишини таъминлашда давом этди. Профессор С.Н.Кортунов фикрича, Россиянинг яқин келажакдаги муҳим миллий ва узоқ муддатли манфаатлари - Ғарбга максимал даражада сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яқинлашиши ва ягона евроатлантик маконни шакллантиришдир. Шунинг учун Президент Д.Медведев янги ташқи сиёсий курсда Европа вектори бош вектор сифатида таъкидланган¹.

¹ Кортунов С.В. Внешняя политика России: что необходимо предпринять. // <http://www.wpec.ru/text/2008/08100918.htm>

Учинчи босқич. Россия ташқи сиёсатининг учинчи босқичини Президент В.Путиннинг 2007 йил февралда Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган Хавфсизлик бўйича конференцияда чиқиши билан боғлиш мумкин. Бу давр норасмий тарзда “хужумкор давр” деб номланди ва асосий жиҳатлари куйдагилардан иборат¹:

1. АҚШ дунёга бир низо кетидан бошқасини олиб келаётган ташқи сиёсатини кескин танқид қилиш. Сўз бу борада, энг аввало, Ироқ муаммоси, Эронга уруш билан таҳдид қилиш ҳақида бормоқда. Россия АҚШнинг БМТнинг жаҳонда ҳарбий хавфсизлик масаласини беэътибор қолдиришда ва Европада ўрнатишни режалаштираётган РХҚМТ(ПРО) масаласида танқид қилди.

2. Европа йўналишида Россия Европада одатий қуроллий кучлар тўғрисидаги шартнома (ДОВСЕ)ни иштикчилар томонидан амали сушт кетаётганликда айблади. 2007 йил декабрда ДОВСЕда иштирок этишга моноторий эълон қилди. Бундан ташқари Россия Европада энергетик хавфсизлик бўйича ўзининг сиёсатини қатъий белгилаб олди. Шунингдек, ЕХХТ га МДХ ҳудудида Россия манфаатларига қарши “демократлаштириш” ни қўллаб қувватлаш орқали фаолият олиб бораётганлиги учун бадал пулини тўлашни тўхтатишини эълон қилди.

3. Яқин Шарқда Россия Фаластиндаги Ғарб томонидан террорчи ташкилот сифатида эълон қилинган етакчи ХАМАС ташкилоти билан расмий муносабатлар ўрнатди. Марказий Осиёда Россия тинчлик йўлида Эрон билан ядровий технология борасида алоқаларни қўллаб қувватлади².

Россия Федерацияси Президентининг мамлакат ташқи сиёсатини шакллантириш жараёнидаги ўрни муҳим ўрин тутди ва бу нарсаси РФ Конституциясида белгилаб қўйилган. Жумладан, Россия Конституциясининг 80-моддасида шундай дейилади: “Россия Федерацияси Президенти Россия Федерациясининг Конституцияси ва федерал қонунларига мувофиқ,

¹ Putin's speech at the 43rd Munich Conference on Security Policy (10 Feb 2007) . http://www.securityconference.de/konferenzen/rede.php?menu_2007=&menu_konferenzen=&sprache=en&id=179&32.

² Дробот Г.А. Великие державы в мировой политике: Россия. <http://www.worldspol.msu.ru>

давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди”¹. Президент ўз конституциявий ваколатидан фойдаланган ҳолда Россия Федерацияси ташқи сиёсатининг асосий бешта тамойилини таъуидлаб ўтади:

Биринчи тамойил сифатида Россия халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ амал қилган ҳолда жаҳоннинг барча давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишдан манфаадор. Иккинчи тамойил бу Россия кўп қутбли дунё тарафдори ҳамда ягона қутбли дунё тартиботи мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди. Учинчи тамойил РФ жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдори ва шу мақсадда ўз ташқи сиёсатини ривожлантиради. Тўртинчи тамойил эса РФ фуқароларининг қаерда бўлишидан, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар уларнинг ҳавфсизлик масаласи ва ниҳоят Россиянинг ҳам бошқа давлатлар каби ўзининг манфаатлари бўлган минтақалар ва шу минтақалардаги давлатлар билан РФ узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат олиб боради деб этиб ўтади².

Бугунги кунда Россиянинг Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан алоқалар тобора кенг ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 4млрд.доллардан га тенг бўлиб, бу кўрсаткич йилига жадал суратлар билан ўсиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳуқуқий асослари сифатида 1992 йил 30 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрдаги икки давлат ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномаларни келтириш мумкин. Бу эса Ўзбекистон Россия ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида қолишини англатади³.

¹Конституция Российской Федерации (12 декабря 1993 года). // www.constitution.ru/10003000/10003000-3.html.

² Интервью Д.А. Медведева телеканалу «Евроныюз». // http://archive.kremlin.ru/appears/2008/09/02 /2217ty pe63379_206085.shtml

³ Ўзбекистон Россия: ҳамкорликнинг барқарор ривожи. //Халқ сўзи. №16(4679) 2009. 21 январь. – Б.1-2.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 1990 йилларда дунёдаги икки қутбли тизимнинг парчаланиши, Россия ташқи сиёсатида янги даврни очилишга олиб келди. Бу даврда Россия ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини ва устувор йўналишларини белгилаб беручи “Россия Федерациясининг ташқи сиёсий концепцияси”, “Россия Федерацияси миллий ҳафсизлик концепцияси”, “Россия Федерацияси ҳарбий Доктринаси”, “Россиянинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари билан стратегик Курси” каби бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, XXI асрда Россиянинг жаҳондаги мавжуд ва шаклланиб келаётган куч марказлари билан иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, илмий техникавий ва маданий соҳаларда алоқалари кучайди, ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида Болтик денгизи минтақаси давлатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатлар мустаҳкамланди, жаҳондаги муаммоларни ҳал қилишдаги роли ошди. Буларнинг барчаси Россиянинг кўп қутбли дунё тартиботининг шаклланишида етакчи актор бўлиб қолишини кўрсатади.

2-БОБ. Россия ташқи сиёсатини Болтиқ минтақасида шаклланишининг сиёсий жиҳатлари

2.1. Болтиқ денгизи минтақасининг Россия ташқи сиёсатидаги геосиёсий аҳамияти

XX асрнинг охирига келиб икки қутбли дунё тизимининг барҳам топганидан сўнг жаҳон майдонида янги мустақил давлатлар вужудга келди. Таъкидлаш жоизки, халқаро майдонда вужудга келган мустақил давлатлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эришилган мустақилликни барқарор ҳолда сақлаш, улар халқаро ҳуқуқнинг тўла қонли субъекти сифатида жаҳон ҳамжамияти билан халқаро муносабатларга киришиш, ички миллий тотувликни таъминлаш, ташқи хавфсизлик масалалари ҳамда дунёнинг йирик давлатлари билан муносабатларда мувозанатни таъминлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай мустақил давлат сирасига Болтиқбўйи минтақаси давлатлари яъни Латвия, Литва ва Эстония киритиш мумкин. Собиқ Иттифок парчаланганидан сўнг Болтиқбўйи минтақаси мамлакатлари халқаро сиёсий майдонда муҳим роль ўйнай бошлади. Ҳозирги вақтда минтақа давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яхши алоқаларларни олиб бориш кўпгина давлатлар ташқи сиёсатининг устивор йўналишлари ва мақсадларига айланиб бормоқда.

Россия Карнеги марказининг эксперти Андрей Риабовнинг фикрича, Россиянинг Болтиқ давлатларига нисбатан узок муддатли стратегияси йўқ. Энергетика ва тарих бу икки масалала муносабатларнинг ривожланиши учун платформа бўлмоқда¹. Кенг геосиёсий маънода Болтиқ денгизи учта Болтиқбўйи давлатлари – Эстония, Латвия ва Литва, тўртта Шимолий Европа давлати - Дания, Финландия, Норвегия ва Швеция шунингдек, Германия,

¹ Konstantin A. Experts: Lithuania Is the Only Baltic State with Ambitions. // <http://eurodialogue.org/Experts-Lithuania-Is-the-Only-Baltic-State-with-Ambitions>

Польша, Россиянинг Шимолий-ғарбий қисми ва РФнинг Калининград ўлкасини ўз ичига олади.

Болтиқбўйи давлатларининг географик жойлашуви стратегик жиҳатдан Россия Федерацияси миллий хавфсизлиги учун муҳим ҳисобланади. Расмий Москванинг Болтиқбўйи минтақасига нисбатан ташқи сиёсати Россиянинг Европага ва НАТО билан муносабатларининг муҳим бир қисмини ташкил этади. НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши билан боғлиқ геосиёсий вазият Россия олдида янги таҳдидларни қўймоқда. Бундай ҳолат Болтиқбўйи давлатларига нисбатан муносабатларда Россиянинг ташқи сиёсий курси кечиктириб бўлмайдиган тузатишларга эҳтиёж сезаётганлигидан далолат беради.

Болтиқбўйи давлатларининг НАТОга кириши, ушбу давлатлар иқтисодиётининг Ғарбга томон йўналиши мазкур минтақада Россия ролининг иқтисодий ва стратегик заифлашувига олиб келмоқда ва Россиянинг геосиёсий кудратига путур етказмоқда. Карнеги Москва марказининг директори Дмитрий Тренин Россия ташқи сиёсатининг Болтиқбўйи давлатларига нисбатан асосий мақсадлари сифатида қўйидагиларни келтираб ўтади¹:

- Болтиқбўйи минтақасида НАТО ҳарбий инфратузилмасининг жойлаштирилишга тўсқинлик қилиш;
- Болтиқбўйи давлатларидаги бир қатор муҳим соҳалар устидан назоратни қўлга киритиш;
- Таллин ва Риганинг фуқароликни олишдаги тўсиқларни камайитишига эришиш ҳамда Эстония ва Литвада Россиянинг сиёсий мавқеини кучайтириш;
- Европани нацизмдан халос этилишида Совет Иттифоқининг ролини ҳимоя қилиш;

¹ Dmitri T. Russian Policies toward the Nordic-Baltic Region. http://carnegieendowment.org/files/Nordic-Baltic_Security_Trenin.pdf

2012 йил 7 январь куни Литва мудофаа вазирининг Чикагога қилган ташрифи давомида халқаро масалалари бўйича Чикаго Кенгаши аъзолари билан учрашув чоғида Россиянинг Болтиқбўйи минтақасидаги геосиёсий манфаатларига эътибори қаратиб, Россия муттасил равишда Литва чегаралари атрофида ҳарбий фаолиятини кенгайтирмоқда, ҳарбий ислохотларни изчил амалга ошириб бормоқда, кўплаб ҳарбий машғулотларни доимий равишда ўтказишни янада кучайтирмоқда ва Калининград ўлкасида ҳарбийлар сони оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди¹. Бундан кўриб турибдики, Россия минтақадаги ўз ўрнини мустаҳкамлаш, шарқий Европада АҚШнинг ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштирилишига жавобан Болтиқбўйи атрофидаги чегараларида ҳамда Калининград ўлкасида ўз ҳарбий контингентини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Совуқ уруш даврида Совет Иттифоқининг денгиз кемалари Болтиқ денгизида НАТО ҳарбий флоти устидан назорат қилаётган эди. Аммо Совет Иттифоқининг парчаланиши оқибатида Россия ушбу минтақадаги назоратидан маҳрум бўлди. Маълумки, Совет Иттифоқи парчаланган сўнг Калининград Россиянинг анклав ҳудудга айланди ҳамда Болтиқбўйи давлатлари мустақилликка эришди. 1990 йилларда давом этган иқтисодий инқироз туфайли Россиянинг Болтиқ денгизи флоти сезиларли даражада қисқарди. Масалан, 2007 йилга келиб Болтиқ денгизидаги Россия кемалари 28 тадан 5 тага, сув ости кемалари эса 26 тадан 2 тага қисқарди. Бироқ 2000 йиллардаги иқтисодий ўсиш қарамасдан Болтиқ денгизи флоти фақатгина Калининград ўлкасини ва Россиянинг иқтисодий манфаатларини асосан, Германияга газ етказиб бераётган Шимолий оқим газ қувурини ҳимоя қилиш билан чекланди².

Бугунги кунда Россиянинг Болтиқ денгизидаги асосий ҳарбий манфаати Литвадаги НАТОнинг кичик ҳарбий авиабазалари, Польшадаги

¹ Russia boosting military presence at Lithuania's borders, bigger US role needed in Baltic region – Minister of Defense. <http://www.lithuaniantribune.com/2012/01/07/russia-boosting-military-presence-at-lithuanias-borders-bigger-us-role-needed-in-baltic-region-minister-of-defence/>

² Ingmar O. Russia's 'northern' foreign policy. http://www.cicerofoundation.org/lectures/Ingmar_Oldberg_RUSSIA_NORTHERN_FOREIGN_POLICY.pdf

НАТО штати ва Польшанинг шарқидаги АҚШ ҳаво муҳофаа базасининг таъсирни камайтириш ҳисобланади. Ўз таъсирини кўрсатиш мақсадида Калининград ўлкасида Россия доимий йирик ҳарбий машғулотлари ўтказиб келмоқда. Болтиқбўйи давлатларига ўз таъсирини ўтказиш мақсадида Россия Калининград ўлкасига замонавий ракета тизимини ўрнашга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, Россия Болтиқ денгизига жойлаштириш учун Франциядан кўшимча равишда йирик ҳарбий кемаларни сотиб олишни кўзламоқда. Бу нарса ўз навбатида, Болтиқбўйи мамлакатлари хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда¹.

Бугунги кунда Россия Болтиқбўйи давлатлари ЕИ ва НАТО аъзолари бўлишига қарамасдан сиёсий ва иқтисодий томондан таъсир ўтказишга ўринмоқда. Россия Эстония ва Литвадаги камчилик русс миллатига мансуб аҳолининг камситилаётгалиги ва уларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлигини талаб қилмоқда ва қатор халқаро ташкилотларнинг эътиборини қаратиб уларга нисбатан иқтисодий сангциялар, сиёсий босим ўтказиб келмоқда. Эслатиб ўтамиз, бу нарса хорижий давлатларидаги Россия фуқароларини ва русс миллатига мансуб аҳоли ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш Россия расмий доктриналарида ёзилган. Бунинг исботи сифатида, Россия 2008 йилда Грузияга қилган ҳарбий ҳужумни келтириш мумкин. 2007 йилда Россия Эстония пойтахти Таллиндаги иккинчи жаҳон урушида Германия устидан қозонилган ғалаба шарафига ўрнатилган ҳайкалнинг кўчирилишга қарши исён кўтарган русс миллатига мансуб фуқароларни қўллаб-қувватлади ҳамда Эстонияга қарши иқтисодий сангция киритганлигини келтириб ўтиш мумкин. Россиянинг бундай сиёсати Болтиқбўйи давлатларида НАТО ва ЕИга бўлган ишончининг пасайишига сабаб бўлмоқда². Бундай ҳолатлар Болтиқбўйи давлатларининг Россия билан муносабатларни яхшилашга ундамоқда. 2007 йилда минтақа давлатлари билан Россиянинг улуши катта қисмни ташкил қилган чегара тўғрисидаги келишувнинг имзоланди. 2010

¹ Ingmar O. Russia's 'northern' foreign policy. http://www.cicerofoundation.org/lectures/Ingmar_Oldberg_RUSSIA_NORTHERN_FOREIGN_POLICY.pdf

² Ingmar O. Russia's Great Power Strategy under Putin and Medvedev. //Occasional Uipapers. –S.: 2010. – №1. – P.23.

йилда Латвия Президенти биринчи марта расмий ташриф билан Моксвага келди¹. Бу каби мисоллар Болтиқбўйи давлатларининг Россия билан муносабатларни яхшилашга уринаётганлиги кўрсатмоқда. Аммо шундай бўлса ҳам бугунги кунда Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатларда зиддиятлар сақланиб қолмоқда.

Болтиқбўйи давлатларининг Россияга иқтисодий қарамлиги асосан энергетика соҳасида кўзатилмоқда. Сиёсий сабаблар билан Россия тез-тез нефть, газ ва электр етказиб беришни тўхтатиб қўймоқда ва қувурларни ёпмоқда. Ўз навбатида, Финландия қўлтиғида йирик юк ва нефть терминаллари қуриш орқали Россия Болтиқбўйи давлатлари орқали ўтадиган транзитга қарамлигини камайтиришга уринмоқда. Асосан, Литва Россия билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашдан ва энергетика хом-ашёларини импорт қилишдан жуда манфаатдор. Бошқа томондан, Россия Калининград ўлкасини қуруқлик транспорти билан боғлашда Литвага қарам ҳисобланади².

Болтиқбўйи минтақаси Россия учун ташқи иқтисодий алоқалар нуқтаи назаридан муҳим минтақалардан бири ҳисобланади. Россиянинг анъанавий ҳайётий муҳим манфаатларига эътибор қаратадиган бўлсак мазкур минтақа мамлакатнинг иқтисодий тараққий этиши, Россиянинг шимолий-ғарбий ҳудудларидаги хавфсизликни таъминлаш ҳамда Калининград ўлкасининг ҳар томонлама барқарор бўлиши учун ўта муҳим ҳисобланади.

Россиялик мутахассис М.Игорьнинг фикрича, НАТОнинг шарққа томон кенгайиши нуқтаи назаридан Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатлар ўзига хос долзарб аҳамиятга эга. Бироқ янада муҳими бу муносабатлар Калининградга кириш, нефть маҳсулотларини етказиб бериш, Россиянинг ғарбий чегаралари барқарорлиги, кўплаб Ғарб

¹ Ingmar O. Russia's 'northern' foreign policy. http://www.cicerofoundation.org/lectures/Ingmar_Oldberg_RUSSIA_NORTHERN_FOREIGN_POLICY.pdf

² Ibid.

мамлакатлари билан муносабатлар каби Россиянинг муҳим стратегик манфаатларига бевосита даҳл қилмоқда¹.

Бугунги кунда Болтиқбўйи минтақаси борасидаги геосиёсатчиларнинг диққат марказида турган масала бу Латвия, Литва ва Эстония давлатларига нисбатан НАТО ва Европа Иттифоқининг ташқи сиёсати фаолияти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда бевосита Россияга қўшни давлатлар бўлган Болтиқбўйи минтақасининг геосиёсий аҳамияти Россия ташқи сиёсатида ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Россия ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бу НАТОнинг шарққа томон кенгайишининг олдини олиш ҳисобланади;

Иккинчидан, бугунги кунда анклав ҳудуд ҳисобланган Каланинград ўлкасининг Россия билан алоқаларининг ривожига бевосита Болтиқбўйи давлатлари билан олиб борилаётган муносабатларга боғлиқ, чунки Россиянинг ушбу ҳудуд билан барча қуруқлик ва денгиз алоқалари Болтиқбўйи давлатларининг ҳудудлари орқали кесиб ўтади;

Учунчидан, кўп жиҳатдан Россиянинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан дипломатик, сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожига Болтиқбўйи минтақаси муҳим аҳамият касб этади.

Россияга иқтисодий жиҳатдан катта манфаат келтирадиган Еуропа Иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган “Шимолий ўлчам (Северное измерение)” Дастурида Россиянинг иштироки бевосита Болтиқбўйи давлатлари билан ҳамкорлик муносабатларига узвий боғлиқ ҳисобланади. Ҳозирда Россия “ЕИ Шимолий ўлчам” концепцияси қўллаб-қувватлаб келмоқда. Москва РФнинг шимолий-ғарбий ва Шимолий Европа давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда Болтиқбўйи минтақасини асос сифатида кўрмоқда. “Шимолий ўлчам” лойиҳасининг табиий ресурслар ва энергетика соҳасидаги фаолиятига доир йўналиши

¹ Максимцев И. Перспективы интеграции России в Балтийском регионе в свете вступления в ЕС государств Балтии. Автореферат дисс на соискание ученой степени кан. эко. наук. – Санкт-Петербург. 2002 – С.6

Болтиқбўйи давлатлари учун долзарб масала ҳисобланади¹. Чунки Европага Россия энергетика ресурсларини етказиб беришда Болтиқбўйи минтақаси мамлакатлари Россия ва Европа ўртасида кўприк вазифасини ўтаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Болтиқбўйи ушбу лойиҳадан жуда манфаатдор. Мисол учун, Болтиқбўйи давлатларининг ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизига яқини айнан Россия нефтининг транзити ҳисобидан таъминланмоқда². Яқин келажакда Болтиқбўйи мамлакатлари Ғарбга Россия нефть ва нефть маҳсулотларини экспорт учун муҳим транспорт коридори бўлиб қолиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бугунги глобаллашув шароитда Россиянинг Европа давлатлари билан ҳамкорлик ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги муносабатларда Болтиқбўйи минтақаси муҳим “генератор” вазифасини бажариши мумкин. Таъкидлаш жоизки, узок йиллардан буён Болтиқбўйи минтақаси унинг атрофида жойлашган ва бевосита унга чегарадош бўлмаган давлатлар ўртасидаги кураш майдони бўлиб келган. IX асрда Россия давлатчилигининг ташкил этилган буён Россия Федерацияси Болтиқбўйи минтақасига чиқишдан жуда манфаатдор ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Россия ўз денгиз доктринасида Болтиқ минтақасига алоҳида эътибор қаратганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Маълумки, Россия денгиз сиёсатининг асосий минтақавий йўналишилари бири сифатида Атлантика минтақавий йўналиши ҳисобланади. Айнан мазкур йўналишдаги денгиз сиёсатининг асосини Болтиқ денгизидаги узок муддатли вазифаларни ҳал этишдан иборат. 2001 йил 27 июлда Россия Федерацияси Президенти томонидан тасдиқланган “2020 йилгача бўлган даврда Россия Федерациясининг Денгиз доктринаси”да Россиянинг Болтиқбўйи минтақаси йўналишидаги асосий вазифаларига қўйидагилар киритилган:³

¹ Гапоненко А. Геополитика, экономика и российские соотечественники в странах Балтии. // <http://npest.wordpress.com/2008/07/31/geopole/>

² Фреден Л. Тени прошлого над Россией и Балтией. // Россия в глобальной политике. 2005. – №6. – С.78

³ Морская доктрина Российской Федерации на период до 2020 года. // <http://www.scrf.gov.ru/documents/34.html>

- қирғоқ бўйидаги порт инфратузулмасини ривожлантириш, денгиз савдоси ва кемалар қатновини такомиллаштириш;

- Болтиқбўйи минтақаси давлатлари билан барқарор иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, денгиз табиий ресурсларидан биргаликда оқилона фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда денгиз фаолиятининг барча соҳаларида кенг қамровли тусдаги ўзаро ишончга асосланган чора-тадбирлар кўриш;

- РФ ва унга ёндош ҳамда қарама-қарши бўлган давлатлар ўртасида континенталь шельф ва денгиз сатҳини чегаралаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

- РФнинг Калининград ўлкасида иқтисодий ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш ва у ердаги денгиз алоқа йўллари ривожлантириш;

- РФнинг Болтиқ денгизидаги мустақил ҳамда халқаро ҳуқуқи ва суверенитетини ҳимоя қилиш ҳамда денгиз имкониятларидан фойдаланиш мақсадида зарурий шарт-шароитларни яратиш.

Болтиқбўйи минтақасида темир йўл ва денгиз портлари орқали юк ташиш ҳажми тез суръатларда ўсиб бормоқда. Бугунги кунда мазкур минтақа дунёдаги жадал ривожланиб бораётган транспорт минтақаларидан бири бўлиб қолмоқда. Йилига 400 млн тоннадан ортиқ юк Болтиқбўйи минтақасидаги денгиз портлари орқали ўтмоқда. Болтиқ портлари ташкилоти экспертларининг таъкидлашича, 5 йилдан кейин минтақа орқали юк ташиш миқдори икки баробарга ошади¹.

Бугунги кунда Эстония алоқа ва иқтисодиёт вазирлиги мамлакатнинг жойлашган ўрнини “ишлаб чиқариш ва халқаро юкларни етказиб бериш учун ҳар томонлама муҳим ҳудуд” сифатида баҳолайди. Эстония темир йўллари афзаллик томони сифатида Эстониялик экспертлар Эстония темир йўллари Россия, Латвия, Литва ва МДХ давлатларининг юкларини

¹ Кочегарова Т. Роль Балтийского региона в сотрудничестве Россия-Евросоюз. // http://www.perspektivy.info/oykumena/ekdom/rol_baltijskogo_regiona_v_sotrudnichestve_rossija-jevrosojuz_2011-06-24.htm

денгиз йўли орқали Узоқ шарқ минтақасига етказиб берадиган энг мақбул транспорт давлати эканлигин эътироф этишмоқда¹.

Россия ва Болтиқбўйи минтақаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг энг ёрқин намунаси Эстония Россия билан ҳамкорликда Силламя шаҳрида барпо этилган янги денгиз порти ҳисобланади. Мазкур денгиз порти ЕИнинг Россияга энг яқин портидир. Ушбу порт Эстониянинг шимолий-шарқида жойлашган бўлиб, Россия билан чегараси 25 кмни, аммо аҳолисининг 93 фоизини русс миллатига мансуб аҳоли ташкил этади. Ўз навбатида, мазкур порт Болтиқбўйи минтақасининг шарқий қирғоғидаги энг замонавий ва йирик денгиз порти ҳисобланади. Бу нарса Россия ва ЕИ ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларида юзага келаётган тўсиқларни бартараф этишда энг мақбул имконият бўлиб келмоқда².

Болтиқ денгизи минтақасига нисбатан Россиянинг геосиёсий қизиқишлари бевосита кўпчилик Европа давлатлари манфаатлари билан мос келмоқда. Болтиқ минтақасининг асосий геосиёсий аҳамияти Россия Европа мамлакатларига кириш учун ишончли ва хавфсиз денгиз йўлига эга бўлиши ҳисобланади.

Россиянинг шимолий-ғарбий қисмида денгиз порти ривожланган бўлишига қарамай, Россия товарларининг катта қисми Болтиқбўйи мамлакатлари денгиз портлари орқали жаҳон бозорига етказиб берилмоқда. Болтиқбўйи мамлакатлари портларидаги товар айланмасида Россиянинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Йирик Россия компаниялари Болтиқбўйи мамлакатлари денгиз портларининг ривожига молиявий маблағ ажратиб келмоқда. Экспертларнинг фикрича, русс миллатига мансуб фуқаролар Эстония денгиз портларини бошқарадиган маблағларнинг учдан бирига эгалик қилишади. Фикримизнинг исботи сифатида Эстониянинг Силламяэ шаҳридаги йирик денгиз портини келтириш мумкин. Ушбу

¹ Estonia - Important Transport Corridor or East-West Trade / Ministry of Economic Affairs and Communication of Estonia. - URL: <http://www.mkm.ee/>

² Кочегарова Т. Роль Балтийского региона в сотрудничестве Россия-Евросоюз. // http://www.perspektivy.info/oykumena/ekdom/rol_baltiyskogo_regiona_v_sotrudnichestve_rossija-jevrosojuz_2011-06-24.htm

портнинг қурилишига кетган маблағнинг ярми бевосита Россия сармоясига тегишли ҳисобланади¹.

Умум Европа иқтисодий ва сиёсий маконинг янада кенгаши жараёнида Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари – Эстония, Латвия ва Литва билан ўзаро алоқалари муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. 2004 йил баҳорида Эстония, Литва ва Латвиянинг ЕИ ва НАТОнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб кириши ва худди шу йилининг апрел ойида Россия ва ЕИ ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг имзоланиши Болтиқбўйи давлатлари учун Россия билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришлари учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда². Болтиқбўйи давлатларининг Европага кириши масаласида катор экспертлар жумладан, Д.Трениннинг фикрича Болтиқбўйи давлатларининг ЕИга аъзо бўлиб кириши Россия учун йирик сармоя капиталининг жалб қилиш, ЕИ билан муносабатларни янада мустаҳкамланиш, рус тилида гаплашувчи аҳолининг интеграциялашувини кучайтириш ва шунингдек минтақавий доирадаги ҳамкорликнинг кенгайтириш имкониятини беради. Бошқа экспертлар Сергей Карагонов ва Игорь Юрганслар мазкур аъзолик Россия учун иқтисодий манфаатлар келтириш ҳамда Россия товарларининг Европа бозорларига киришига кўмаклашишини таъкидладилар³.

Хулоса ўрнида айтган, бугунги кунда Россия ва Европа Иттифоқи муносабатларнинг ривожини Болтиқбўйи минтақасига нисбатан янгича қараш имконини беради. Бугунги кунда Болтиқбўйи мамлакатлари катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлмаган кичик давлатлар сирасига киради. Аммо ушбу мамлакатлар қулай иқтисодий-географик ҳудудда жойлашган ҳамда улар Россиянинг Ғарб давлатлари билан савдо-иқтисодий транзит алоқаларида катта аҳамиятга эга ҳисобланишади. Россия нафақат Калининград ўлкасининг балки Болтиқбўйи мамлакатларининг геосиёсий барқарорлигидан

¹ Колосов В., Бородулина Н. «Бремя геополитики» во взаимовосприятии России и стран Прибалтики. //Международная жизнь. –М.: 2009. – №4. – С.54.

² Юргенс И. Балтийская “лаборатория” Большой Европы. //Россия в глобальной политике. –М.: 2004. – №3. – С.28.

³ Nils Muižnieks. Latvian-Russian Relations: Dynamics Since Latvia’s Accession to the EU and NATO. – Latvia.: University of Latvia Press, 2011. – P.15.

манфаатдор ҳисобланади. Литва, Латвия ва Эстония ўз келажаги учун ташвишланмаслиги, уларни буфер ҳудудга кириши сабабли таҳликага тушишлари учун асосга эга бўлмасликлари учун Россия улар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан жуда манфаатдор.

2.2. Россиянинг Европа хавфсизлик тизимини шакллантириш борасидаги сиёсатида минтақа давлатларининг ўрни

Бугунги кунда ўз миллий манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қилиш ва миллий хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланиди. Россия халқаро майдонда етакчи куч марказларидан бири бўлиб, русс олимлари таъкидлаганидек, “буюк давлат” сифатида Россия 250 йиллик давлатчилик тарихига эга. Шу жиҳатдан жаҳонда янги сиёсий тартиботнинг шаклланишига таъсир кўрсата олиш имкониятига эга. Бу энг аввало, халқаро муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган Россиянинг ташқи сиёсий ресурслари билан белгиланади.

Шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларига мувофиқ – ташқи сиёсий саъй-ҳаракатлар қўшни давлатлар билан дўстона қўшничилик муносабатларини шакллантириш, Россия ҳудудидаги ва дунёнинг бошқа минтақаларидаги янги пайдо бўлаётган низолар ва кескинликларни олдини олиш ва мавжудларини бартараф этишга кўмаклашиш каби асосий ташқи сиёсий мақсадларга эришишга қаратилиши лозим¹.

Россия Федерацияси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу Европа Иттифоқи давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш ҳисобланади. Шу сабабли бундай муносабатларнинг ривожига Россия ва Европа ўртасида

¹ Концепция внешней политики Российской Федерации. <http://www.mid.ru/ns.osndoc.nsf/0e9272bfa34209743256c630042d1aa/d48737161a0bc944c32574870048d8f7?OpenDocument>

“кўприк” вазифасини ўтаётган Болтиқбўйи давлатларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Россия Федерацияси миллий хавфсизлик сиёсатида Европа йўналиши муҳим ўрин эгаллайди. Россия раҳбариятини Европадаги мавжуд хавфсизлик тизими қаноатлантирмайди ва Европадаги хавфсизлик тизимини янги шарт-шароитларга мослаштириш сиёсатини юритмоқда. Россия президенти В.В.Путин таъкидлаб ўтганидек, “яратилган хавфсизлик тизими мавжуд хавфсизликни кафолатлай олмайди. Ҳеч ким умуман ўзини ҳимояланган деб ҳис қила олмайди”¹. Халқаро муносабатларда геосиёсий манфаатлар тўқнашуви кўчайиб бораётган бир шароитда Европада хавфсизлик тизимини шакллантиришни қайтадан кўриб чиқиш масаласи Россия ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Европа хавфсизлик тизимини яратиш борасидаги Россия ёндашувининг асосида бир қанча муҳим ғоялар ётибди. Улар сирасига халқаро муносабатларни тартибга солишда БМТнинг устун мавқеига бўлиши ва замонавий дунёнинг кўп қутблилиги тўғрисидаги ёндашувларни киритиш мумкин. Россия Европада кўп босқичли ва кўп таркибли халқаро хавфсизлик тизимини яратиш тарафдори. Ўз навбатида бундай ёндашувда Европа хавфсизлик тизимининг қатор муҳим элементларига, аввало, ЕХХТ, ЕИ ва НАТОга асосий эътибор қаратилади.

Россиянинг Европада янги хавфсизлик тизимини яратиш ташаббусидан асосий мақсад, Жорж Масон Университети профессори М.Н.Катц таъкидлаганидек, АҚШ “гегемонияси” ва “бир қутбли дунё” ғояси таъсирини камайтиришдир².

Жорий йилнинг 3 май куни АҚШ сенатори Джон Маккейн Литвага қилган ташрифи чоғида ракетага қарши муҳофаа тизими бирор давлатга қарши қаратилмаганлигини ва унинг асосий мақсади АҚШ муҳофаа қобилиятини мустаҳкам эканлигини баён этишган. НАТОнинг ракетага

¹ Безопасность - забота общая. //Европа. 2001. № 10. – С.4.

² Katz M.N. Russia: Geopolitical and geoeconomic interests. // http://www.metimes.com/International/2008/07/09/russia_geopolitical_vs_geoeconomic_interests/8705/

қарши мудофаа тимизига жавоб сифатида Калининград ўлкасида ҳарбийлар сонининг оширилишини В.Путиннинг руҳий касаллиги ҳисобланади деб таъкидлаб ўтди¹.

Литва билан қўшни бўлган Россиянинг ўз ҳарбий имкониятларини ошириб бориши минтақадаги хавфсизликка салбий таъсир кўрсатади деб фикр билдирган Литва мудофаа вазири Раса Юкнявичен. Калининград ўлкасида янги самолётларни уриб туширадиган С-400 тизимининг жойлаштиришлиши ва бу ҳудудда тактик ядро қуролининг сақланиши ушбу минтақадаги мудофаа имкониятини ўзгартиради. Бундан ташқари, Юкнявичене Болтиқ денгизида Россия Қуролли кучларининг фаоллашганлигини эътироф этди². Маълумки, 2011 йил 29 ноябрда АҚШнинг ракетага қарши мудофаа тизимига қарши жавоб чораси сифатида Россия Калининград ўлкасида радиолокация станциясини ишга туширди. Шунингдек, Россия агар НАТО Польша ва Европада ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштириш режасидан бош тортмаса Калининград ўлкасида “Искандар” номли ракета тизимини ўрнатиши мумкинлиги маълум қилган. 2012 йил май ойида бўлиб ўтадиган НАТО саммити Европада РҚМТ архитектурасини тасдиқлаш мўлжалланган.

Ракетага қарши мудофааа масалалари бўйича Россия-НАТО кенгаши аъзоларига йўллаган Россия собиқ президенти Д.Медведевнинг мактубида айтилган Россия нуқтаий-назарини қайт этиб ўтиш лозим. Мазкур ҳужжатда 2010 йил 20 ноябрда бўлган Лиссабон саммити ўзаро ишонч, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларига асосланган стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш учун имконият очганлиги таъкидлаб ўтилган. Д.Медведев Европада биргаликда ракетага қарши мудофаа тизимини ташкил этишни ўз ичига олган стратегик хавфсизлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш учун жавобгарликни ўзига олишга тайёрлигини айтиб ўтган. Қатор Россиялик экспертлар Россиянинг ракетага қарши мудофаа тизимида

¹ Сенатор США: Милитаризация Калининграда – паранойя Путина. // <http://newsbalt.ru/detail/?ID=4345>

² Глава Минобороны Литвы: Россия может организовать ядерное оружие в Калининграде. // <http://newsbalt.ru/detail/?ID=3913>

тенг ҳуқуқли иштирок шароитда ушбу тизим чинакамига самарали ва барқарор бўлиши мумкин¹.

Россиянинг ички ва ташқи сиёсатидаги устувор йўналишларини белгилаб олишда замонавий Россиянинг собиқ Иттифоқ ҳудудидаги манфаатларини аниқлаб олиш керак бўлади. Бу борада А.Дугин давлат манфаатлари юзасидан маълум бир стратегия ёки концепция ишлаб чиқишдан олдин айнан ўша минтақа ёки давлат тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим².

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Европада хавфсизлик тизимини шакллантиришда бевосита Болтиқбўйи давлатлари муҳим ўрин тутди ва бу нарса 2008 йилда қабул қилинган Россия Федерациясининг ташқи сиёсий Концепциясида аниқ белгилаб қўйилган. Миллий хавфсизлик масалалари бўйича АҚШ президентининг собиқ ёрдамчиси Збигнев Бжезинский Россия ва Ғарб муносабатларига тўхталиб ўтар экан бугунги кунда СССР йўқ, Ғарб Россия билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши керак ва уни ўзига қабул қилиши керак, чунки пировардида Россия Ғарбнинг бир қисми бўлиши мумкин ва керак деб таъкидлаб ўтган³. Аммо НАТО Бош қотиби “НАТО коллектив мудофаа бўйича мажбуриятни иттифоқ таркибига кирмайдиган мамлакатларга бира олмайди. Россия эса НАТО томонидан режалаштирилган ракетага қарши мудофаа тизимининг бевосита иштирокчиси бўлиши мумкин эмас” – деб таъкидлаб ўтди⁴.

Россия Президенти В.Путин 2007 йил февралда Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган хавфсизлик бўйича конференциядаги нутқи кескин баҳсларга сабаб бўлди ва Европа хавфсизлик тизими билан боғлиқ асосий жиҳатлари қўйидагилардан иборат эканлигин таъкидлаб ўтди⁵:

¹ Послание Президента РФ Д.Медведева главам государств – членов Совета Россия-НАТО. 14.05.2011. [//www.kremlin.ru](http://www.kremlin.ru)

² Дугин А. Основы геополитики. – М.: Арктогея, 1997. – С.149-150.

³ Бжезинский видит Россию частью Запада. <http://inotv.rt.com/2012-02-08/Bzhezinskij-vidit-Rossiye-chastyu-Zapada>

⁴ Аникеева Н. Проблемы безопасности в Европе. Взгляд Москвы и Мадрида. //Обозреватель-Observer. – М.: 2011. – №8. – С.32.

⁵ Выступление В. Путина на Мюнхенской конференции 2007 г. <http://dokumentika.org/ru/tv-video/vistuplenie-v-putina-na-miunchenskoy-konferentsii-2007-g>

1. Россия АҚШни БМТнинг жаҳондаги ролига нисбатан эътиборсизлик билан қараётганлиги ва АҚШ томонидан Шарқий Европада ўрнатилиши мўлжалланаётган ракетага қарши муҳофаа тизимини қаттиқ танқид қилинди;

2. Россия Европадаги одатий қуроли кучлар тўғрисидаги шартнома шартлари иштирокчилар томонидан суи бажарилаётганилигини эътироф этган ҳолда 2007 йилда мазкур шартномага қатнашишга мониторинг эълон қилди;

3. Россия Европа энергетика хавфсизлигини таъминлашда муҳим роли уйнашини қайт этиб НАТОнинг шарққа томон кенгайиши Россия миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид эканлигини таъкидлаб ўтди.

Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида Россиянинг роли заифлашуви билан Россия раҳбарияти янги муаммага яъни, НАТОнинг шарққа томон кенгайиши муаммосига тўқнаш келди. Даставвал, Россия Болтиқбўйи давлатларини НАТОга киришидан қайтаришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Россия Болтиқбўйи давлатларини Россия томонидан хавфсизлигини кафолатлаш ғояси билан чиқди. Аммо таклиф минтақа давлатлари томонидан қўллаб-қувватланмади.

Маълумки, 2004 йилда Болтиқбўйи давлатларининг бир вақтнинг ўзида ЕИ ва НАТОга киришига Россиянинг нуқтаи назарини билдирар экан Россия муҳофаа вазири Сергей Иванов “Россия уларнинг ҳудудида чет эл ҳарбий базасининг ташкил этилишига қараб тура олмайди. Агар бу ҳолат юз берса, унда Россия Европада доимий қуроли тўғрисидаги шартнома билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламайди. Бунга жавоб сифатида Калининград ҳудудида ҳарбий қўшинлар миқдори оширилишини маълум қилди¹.

Бугунги кунда Болтиқ давлатлари Россия билан алоқадор муаммоларининг ҳал этилишида Европа Иттифоқини кафолатчи сифатида

¹ Челлини К.Г. Политические отношения Российской Федерации со странами Балтии. // www.imepi-eurasia.ru/baner/baltica.doc

кўриб келмоқда. Болтиқбўйи давлатлари Россияни ўз миллий хавфсизликларига таҳдид сифатида кўришмоқда¹.

Маҳаллий экспертлар минтақа давлатларининг ҳаво майдони Россия ҳарбий самалиётлари томонидан бузилаётганлигини таъкидлашмоқда ва мазкур давлатлар раҳбаринини ПВО тизимини ва радарлар сотиб олишга чақиришмоқда².

Маълумки, 2008 йил 5 июнда Россиянинг Президенти Д.Медведев Европа хавфсизлиги тўғрисидаги Шартномани ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди. Ушбу шартноманинг мазмуни “совуқ уруш”дан қолган меросдан бутунлай кутулиш мақсадида Евро-Атлантика ҳудудида ҳарбий-сиёсий хавфсизлик соҳасида ягона, бўлинмас маконни яратиш ҳисобланади³. 2009 йил 12 апрелда Д.Медведев Европа хавфсизлик тўғрисидаги Шартноманинг лойиҳасини кенг оммага тақдим этди. Қўпчилик мутахассислар, экспертлар ушбу ҳужжат ёрдамида Москва Европада хавфсизлик сиёсатига алоқадар бўлган қарорларни қабул қилишда қатнашишни ҳохламоқда деган фикрдалар. Бошқа бир экспертлар гуруҳи мазкур шартнома Европа ва АҚШ манфаатларига эмас бутунлай Россия манфаатларига жабов беришини таъкидламоқдалар⁴.

МДХ ва Болтиқ мамлакатлари институтининг Болтиқ мамлакатлари бўлими мудирини Михаил Александров фикрича, бугунги кунда Болтиқбўйидаги ҳолатни икки хил фикр билан изоҳлаш мумкин. Бир томондан, ушбу минтақа Совет Иттифоқининг бир қисми ҳисобланса, бошқа томондан, минтақа аллақачон Евро Атлантик тузилишига бир бутун бўлиб бирлашган. Россиянинг МДХга нисбатан стратегияси ишлаб чиқилган, бироқ Болтиқбўйи бўйича маълум бир стратегия йўқ. Ҳозирда Россияда ҳокимият ўзгаряпти тез орада президентлик лавозимига В.Путиннинг келиши билан Россиянинг Болтиқбўйига нисбатан муносабатларини аниқлаштиришга тўғри

¹ Колосов В., Бородулина Н. «Бремя геополитики» во взаимовосприятии России и стран Прибалтики. //Международная жизнь. –М.: 2009. – №4. – С.53

² Сосаар Э. Полтора года в НАТО – что изменилось? // <http://www.veneportaal.ee/politika/11/08110501.htm>

³ Проект Договора о европейской безопасности. // <http://kremlin.ru/news/6152>

⁴ Иржи Ю. Европейская безопасность Медведева. // <http://inosmi.ru/europe/20091204/156835927.html>

келади. Чунки Болтиқбўйи Россиянинг имтиёзли манфаатлар ҳудудига киради деб таъкидлаб ўтган. Экспертнинг фикрича Болтиқбўйи минтақасидаги Россия таъсири қайта тикланиши керак. Русс куруллари асарлар давомида мазкур минтақа устидан назорат ўрнатиш учун курашиб келишган, аммо Н.Горбачёв ва В.Ельцин назоратни Россиянинг геосиёсий рақибларига бериб қўйишган¹. Ўз навбатида, ушбу минтақа нафақат геосиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан, балки у этник русс миллатининг бирлиги нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Латвия ва Эстонияда бир мунча русс миллати кўпроқни ташкил этади. Мустақилликка эришганига 20 йил ўтибдики минтақадаги русс жамоалари русс дунёси билан барқарор алоқаларни сақлаб қолишни давом эттиришяпти².

Россиянинг Европа Иттифоқи билан ҳарбий-сиёсий соҳадаги ҳамкорлик қўйидаги мақсадларга эришиш учун йўналтирилган³:

1. Европани ўз ҳарбий кучлари билан Европа хавфсизлигини таъминлаш;

2. Хавфсизлик соҳасида Россия билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш. Жумладан, ҳарбий куруллар сони чеклаш ва қичқартиришнинг турли жиҳатларини ва ўзаро муносабатлардаги инқирозли ҳолатларни тартибга солиш кабилар;

3. Европада жинойтчилик ва низоларни олидини олиш ва йўқ қилиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасида Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кўчайтириш.

Николай Патрушев Россия ЕИ билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори. Европада аниқ шартномавий-ҳуқуқий асосланган коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш тўлиқ Россия манфаатларига мос келади деб таъкидлаб ўтди⁴.

¹ Александров М. Стратегия России в Прибалтике нуждается в пересмотре. // <http://m-alexandrov.livejournal.com/12329.html>

² Нартов Н.А, Нартов В.А. Геополитика. – М.: ЮНИТИ–ДАНА: Единство, 2007. – С.227.

³ Лёвина Н. Сотрудничество России и Европейского Союза: перспективы и проблемы. // <http://jurnal.org/articles/2009/polit18.html>

⁴ Достойный уровень жизни - лучшая стратегия безопасности России. // <http://www.scrf.gov.ru/news/22/440.html>

Болтиқбўйи давраларнинг НАТОга қўшилиши Россия учун ҳарбий-стратегик нуқтаи назардан янги муаммоларни юзага келтирди. Латвия, Литва ва Эстония ҳудудида НАТО инфратузулмасининг ривожланиши, у ерда Иттифокнинг ҳарбий техникаси ва ҳарбийларнинг жойлаштирилиши, ПВО тизимининг ишга туширилиши, Болтиқ денгизининг ҳаво кенгликлари назорат қилиниши ва шунингдек минтақада ҳамкорликда ҳарбий машғулотларнинг ўтказилиши Россияни ташвишга солмоқда.

Болтиқбўйи мамлакатлари билан муносабатлардаги Россия ташқи сиёсатининг асосий вазифаси ўз миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида Болтиқбўйи минтақасида Россиянинг таъсирни кучайтириш, минтақадаги Россия иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва Болтиқбўйи давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали у ердаги камчиликни ташкил этадиган русс миллатига мансуб фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳисобланди.

Хулоса қилиб айтганда, хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Европада хавфсизликни шакллантириш борасида қатор давлатлар ўз моделларини таклиф қилишмоқда. Шундай давлатлардан бири Россия ҳам бугунги кунда Европада хавфсизлик тизимини шакллантиришда ўзининг моделини олға сурмоқда. Ўз навбатида Россиянинг Европада хавфсизлик тизимини шакллантириш борасидаги сиёсатида Болтиқбўйи давлатлари муҳим ўрин тутди. Биринчидан, Болтиқбўйи минтақаси бевосита Россия билан чегарадошлиги; иккинчидан, минтақа давлатларининг ЕИ ва НАТОга аъзолиги ва ниҳоят АҚШ бошчилигидан НАТОнинг минтақада ракетага қарши муҳофаза тизимини жойлаштиришга уринаётганли. Мазкур ҳолатда Россиянинг Европада янги хавфсизлик моделини таклиф қилишдан мақсади НАТОнинг ролини камайитириш эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

3-БОБ. Ҳозирги даврда Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларидаги муаммолар ва истиқболлар

3.1. Россиянинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлигининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатлари

Бугунги кунда Болтиқбўйи минтақаси қатор йирик давлатларнинг хусусан, Россия Федерациясининг қизиқишларини ўзига жалб этиб келмоқда. Россия учун мазкур минтақадаги манфаатларининг қўйидагича изоҳлаш мумкин: **биринчидан**, Болтиқбўйи давлатлари 1990 йилгача бевосита Совет Иттифоқи таркибида бўлишган; **иккинчидан**, чегарадош ҳисобланган ушбу минтақа давлатлари Россия учун муҳим транзит минтақа ҳисобланади; **учунчидан**, Болтиқбўйи минтақаси давлатлари Россияни Европа Иттифоқи билан ҳам қуруқлик ҳам денгиз орқали боғлайдиган “қўприк” вазифасини ўтаб келмоқда; **тўртинчидан**, Россиянинг анклав ҳудуди саналадиган Калининград ўлкасининг ривожланиши кўп жиҳатдан Болтиқбўйи давлатлари билан бўладиган ҳамкорлик муносабатларига боғлиқ;

Маълумки, Болтиқбўйи минтақаси Россиянинг таъсир зонасига кирадиган минтақа ҳисобланади. Россия мазкур минтақа давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан жуда манфаатдор. Бироқ бугунги кунда Россия Болтиқбўйи давлатлари билан бевосита чегарадош бўлишига қарамасдан ўзаро муносабатларда салбий тенденциялар кўзатилмоқда. Болтиқбўйи давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритган вақтдан бошлаб ўтган давр мобайнида муносабатлар ҳали ҳам батамом дўстона тус олганича йўқ.

Маълумки, Россия ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг ҳуқуқий асослари охиригача яратилмаган, минтақа давлатларида Россияга қарши кайфият сақланиб қолмоқда, чегара масалалари бартараф этилмай қолмоқда, минтақа

давлатларида русс миллатига мансуб аҳолига нисбатан муносабатлар ўзгармасдан қолмоқда ва ҳақозолар.

Бизга маълумки Болтиқбўйи давлатларига Эстони, Латвия ва Литва киради. Россиянинг ушбу давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий муносабатларини ўзига хос жиҳатларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Россия ва Эстония муносабатлари. Маълумки, 1920 йил 2 февралда Россия ва Эстония Республикаси ўртасида дипломтик муносабатлар ўрнатилган эди. 1940 йилда Болтиқбўйи давлатлари Совет Иттифоқи таркибига қўшилди. “Совуқ уруш”нинг тугаши билан Совет Иттифоқининг парчаланиши натижасида Болтиқбўйи давлатлари ҳам ўз мустақилликларини тиклашга эришдилар. 1991 йил январда Россия ва Эстония ўртасидаги муносабатлар тикланди ва 1991 йил 6 сентябда Россия Эстония мустақиллигини тан олди ҳамда 1991 йил 24 октябрда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар яна ўрнатилди. Россия ва Эстония чегараларининг умумий узунлиги 460,6 км уларнинг 138 км қуруқлик чегаралари ташкил қилади. Дипломатик муносабатлари тикланган дастлабки йилларданок икки давлат бартараф этиши лозим бўлган бир қатор муаммолар хусусан, чегара ва хавфсизлик масалалари, русс миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кабилар тўпланиб қолган ва айнан ушбу муаммолар бугунги кунда Россия ва Эстония сиёсий ва иқтисодий соҳадаги алоқаларининг ривожланишига тўсиқ бўлиб келмоқда. Эстония Президенти Тоомас Хаендрик Ильвес Россия ва Эстония муносабатларни ўзаро ҳурматга асосланиши ва ноўрин иқтисодий босимлардан холи бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтган. Эстония Президентининг сўзларига кўра, гарчи Россия Эстонияга нисбатан расмий сингция ўрнатмаган бўлса ҳам, аммо Эстония портлари ва темир йўли орқали юкларни етказиб бериш ва ўзаро товар айирбошлашда сезиларли даражада чекловлар ва тўсиқлар кўзга ташланмоқда шунингдек, Эстония Россиядан чамаси 20 та лойиҳа юзасидан

шартномаларни тузиш таклифи билан чиқишни кутаётганлигини қайт этиб ўтди¹.

Халқаро муносабатлар бўйича эксперт Андрей Бировнинг фикрича Россия ва Эстония ўртасида дўстона қўшничилик муносабатлар ўрнатилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Эстония Россия билан икки томонлама муносабатларни яхшиланишидан жуда манфаатдор. Дўстона ва қўшничилик муносабатларига тўсиқ бўлиб турган барча салбий тарихни олиб ташлаш вақти келди деб ҳисоблайди эксперт².

Бевосита икки давлат ўртасидаги чегара масаласига тўхталиб ўтсак. Икки давлат ўртасида чегара муаммоларини бартараф этиш борасидаги музокаралар илк маротаба 1996 йил ноябрь ойида бошланди. Россия таклифи билан тузилган чегара шартномасига техник ўзгартиш киритилиб 1999 йил 5 мартда Санкт-Петербургда Р.Мялк ва Л.Чижов ўртасидаги Россия ва Эстония музокараларида имзоланганга розилик билдирилди. 2005 йилда Москвада икки давлат ташқи ишлар вазирлари томонидан чегара тўғрисидаги шартнома имзоланди³. 2005 йил 20 июнь куни Жстония парламенти ушбу шартномани ратификация қилди ва 2005 йил 22 июнда Эстония Президенти уни оммага эълон қилинди. Аммо 2005 йил 6 сентябрда РФ ташқи ишлар вазирлиги шартнома объекти ва мақсади йўқлигини ҳисобга олиб Эстония билан тузилган чегара тўғрисидаги шартнома ратификация қилмаслик юзасидан Эстонияга нота юборди. 2006 йил августда РФ ташқи ишлар вазирлиги янги чегара тўғрисидаги шартнома бўйича Эстония билан музокараларни бошлаш таклифини ўзида акс эттирган нота юборди. Ўз навбатида, Эстония олдинги нуқтаи назарида қолмоқда яъни, Россияга нисбатан ҳудудий даъвоси йўқлигини билдирмоқда ҳамда мавжуд чегара тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши учун ҳеч қандай тўлиқ йўқлигини маълум қилмоқда⁴. Россия

¹ Президент Эстонии хочет наладить отношения с Россией. // <http://expert.ru/forum/expert-articles/9284/?page=2>

² Россия и Эстония на пути к нормализации отношений. // <http://inosmi.ru/baltic/20110610/170534110.html?id=170554839>

³ Договор о границе. // http://www.estemb.ru/estonia_i_rossija/pogranitsjnoje_dogovori

⁴ Там же.

ва Эстония ўртасидаги чегаравий баҳслар Нарв дарёсининг шарқий қирғоғидаги Янилин шаҳридаги Ивангород ҳудуди ва Псков вилоятидаги Печорск тумани устида бормоқда. Ушбу ҳудудларнинг умумий узунлиги 2500 кв м ни ташкил этади¹. Айрим экспертларнинг фикрича ЕИ ва Россия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нуктаи назаридан Россия учун Болтиқбўйи давлатлари билан чегара муаммолари тўғрисида келишувни имзолаш у қадар муҳим ҳисобланмайди ва чегаравий битимларнинг имзоланиши Россия ҳудудий дахлсизлик ва хавфсизликни таъминлашда жуддий омил ҳисобланади.

РФнинг Эстониядаги элчиси Юрий Мерзляк икки давлат ўртасидаги муносабатларга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқ ва равшан кўрсатиб ўтди. Элчи икки давлат алоқаларидаги бир қатор муаммолар ичида асосан чегаравий шартнома юзасидан аниқ ва ўзаро мақбул келишув икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда кескин ўзгариш ролини ўйнаши мумкин деб ҳисоблайди². Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда томонлар мазкур масала юзасидан турли ёндашувларга асосланишмоқда. Эстония томони 2005 йил май ойида имзоланган шартномани ратификация қилишни талаб қилишмоқда. Россия томони эса ушбу шартномани ҳақиқий деб ҳисоблашмайдилар. Рийгикоғ ҳудуди қўшилган Тартуск тинчлик шартномасининг кириш қисми сабаб бўлмоқда. Чунки Россия ушбу ҳудудни ўз ҳудуди деб ҳисоблайди. Ҳозирда Россия музокаларни янги шаклда бошлаш тарофдори.

Россиянинг Эстония билан бир қатор давлат чегаралари тўғрисидаги келишувларни имзолаган жумладан, давлат чегаралари тўғрисидаги Россия ва Эстония ўртасидаги шартнома, Нарв ва Фин қўлтиғидаги денгиз чегараларини белгилаш тўғрисидаги шартномалар шулар сирасига киради³.

¹ Длинная тень истории: постсоветские пограничные споры (Эстония, Латвия и Россия). //

<http://www.pfpconsortium.org/file/2587/view>

² Посол РФ обозначил проблемы российско-эстонских отношений. // <http://rus.delfi.ee/daily/pbk/posol-rf-oboznachil-problemy-rossijsko-estonskih-otnoshenij.d?id=63903933>

³ Аникеева Н. Проблемы безопасности в Европе. Взгляд Москвы и Мадрида. //Обозреватель-Observer. – М.: 2011. – №8. – С.33.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатларда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масаладан бири Эстония ҳудудидаги бу русс миллати мансуб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра 2012 йил январь ҳолатига Эстония аҳолиси 1 364 001 кишини ташкил қилади¹. Эстонияда етарли миқдорда, яъни аҳолининг 25 фоизига яқин этник россияликлар истиқомат қилади. Россия Эстониянинг энергетика тизимининг учдан бир қисмдан кўпроғини назорат қилади. Эстония истеъмолидаги табиий газни Россиядан импорт қилади². Бу нарсa ўз-ўзидан Эстонияни Россияга боғлиқ қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам ушбу омилларни эътиборга олиб Эстония Россия билан муносабатларни яхшилашга ва яхши қўшничилик алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилимоқда.

Совет Иттифоқи даврида Эстонияда рус тилида гаплашадиган фуқароларнинг улуши умумий Эстония аҳолисининг 10 фоизидан 30 фоизигача ўсди ва пойтахт Таллинн аҳолисининг деярли ярмини рус миллатига мансуб аҳоли ташкил қиларди. Эстония ўз мустақиллигини тиклагандан кейин эстон тили ягона расмий тил бўлди. Эстония янги фуқаролик сиёсатини юрита бошлади. Шундан бошлаб бир неча бор Россия Думаси томонидан Эстонияга нисбатан тақиқ ва баёнотлар қабул қилинди.

DELFI ахборот агентлигининг хабарларига кўра, 2002 йил февралда Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Эстония элчиси билан ўтган тор доирадаги учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшиланиши учун Эстония бажариши лозим бўлган етти талабни айтиб этган. Ушбу талаблар сирасига русс тилида сўзлашувчи аҳоли кўп бўлган ҳудудларда русс тилини расмий тили сифатида киритиш, ҳар йили камида 20 минг аҳолига фуқаролик тақдим этиш, Русс Православ черковини расмий руйхатдан

¹ Население Эстонии постепенно вымирает. // <http://rus.postimees.ee/690538/naselenie-jestonii-postepenno-vymiraet/>

² The Next Stage of Russia's Resurgence: The Baltic States. // <http://www.stratfor.com/analysis/next-stage-russias-resurgence-baltic-states>

ўтказиш, русс тилида ўрта ва олий таълим олишни таъминлаш кабилар киради¹.

Эстонияда рус миллатига мансуб аҳолини мамлакатдан сиқиб чиқариш, уларнинг қатор ҳуқуқлардан маҳрум этилиши, русс тилидаги мактабларнинг ёпилиши ва шунингдек, фуқаролик берилмаслик ҳолатлари ўз навбатида икки давлат ўртасидаги муносабатларга салибий таъсир кўрсатиб келмоқда. Россия ва Эстония ўртасидаги муносабатлардаги кескин муаммолардан бири Эстония томонидан таълим муасасаларида русс тилида таълим берилишининг ва рус тилида китобларнинг чоп этилишининг тугутилиши ҳисобланди. Амалдаги Эстония “мактаблар ва гимназиялар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ нафақат эстон тилида балки бошқа тилларда ҳам таълим олиш имкониятлари назарда тутилган эди. Эстония томонидан эълон қилинган 10 йиллик 2011-2020 йилларда таълим тизимини ривожлантириш дастури эстони тилидан ташқари бошқа тилларда давлат мактабларида таълим бериш кўзда тутилмаган. Сўнгги йиллар давомида Эстония олий ўқув юртларида рус тилида таълим бериладиган мактаблар учун кадрлар тайёрлаш амалга оширилмай келинмоқда. Эстония таълим вазири Т.Лукас 2011 йил ўқув йилдан бошлаб барча гимназияларда 60 фоиз фанлар эстон тилида ўқитилишини маълум қилди. Бундай кўриниб турибдики, шубҳасиз, бу омил рус тилида таълим олаётган асосан рус миллатига мансуб ўқувчиларнинг сифат томонидан таълим олишларига ўз салбий таъсири кўрсатиб келмоқда².

Икки давлат халқаро ва минтавий ташкилотлар доирасида ҳам ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар. Минтақа доирасида Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан алоқалари Болтиқ денгизи давлатлари Кенгаши билан ривожланиб бормоқда.

Эстония Президенти Арнольд Рюйтель мамлакат мустақиллигининг 86 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ЕИга аъзо бўлиб

¹ Российско-эстонские отношения. // <http://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A0%D0%BE%D1%81%D1%81%D0%B8%D0%B9%D1%81%D0%BA%D0%BE-%D1%8D%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%BD%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B5%D0%BE%D1%82%D0%BD%D0%BE%D1%88%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8F>

² Доклад МИД РФ: дискриминация русских в Эстонии продолжается. // <http://rus.postimees.ee/683644/doklad-mid-rf-diskriminacija-russkih-v-jestonii-prodolzhaetsja/>

кириш Эстонияга ЕИ ва Россия ўртасида кўприк вазифасини бажаришга ёрдам беришига ишонч билдирди. Қатор сиёсатчилар Брюсель орқали Россия ва Эстония ўртасидаги барча ўзаро муносабатларни бартараф этиши мумкин эмас демак Россия билан муносабатларнинг яхшиланиши учун бошқа муқобил йўл йўқ деб ҳисоблашади. Халқаро масалалар бўйича қўмита раиси Рийгикоғ Марко Михкельсоннинг таъкидлаганидек, Брюсель ёки халқаро ташкилотлар орқали Россия ва Эстония ўртасидаги икки томонлама муносабатларни бартараф этиш тўғрисида ўйлаш нотўғри. Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кўп томонлама дипломатия Европа йўналишида (мисол учун, Россия ва ЕИ ўртасида визасиз тизимни йўлга қўйиш тўғрисида музокаралар) ва икки томонлама чегаравий ҳамкорлик билан алоқадор бўлган аниқ масалаларни ҳал этишда ўз самарасини беради деб таъкидлаб ўтди¹.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги чегара муаммолари Россия ва Эстония ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Аммо шундай бўлса ҳам икки томоннинг ишчи доираларининг манфаатдорлиги сабабли давлатлар ўртасидаги товар айланмаси босқичма-босқич тикланаётганлиги ва ўсаётганлигини кўзатиш мумкин. Россия Федераль Божхона хизматининг маълумотларига кўра, 2010 йилнинг уч кварталида икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 1,46 млрд долларни ташкил қилиб, шундан экспорт 2009 йилнинг ушбу даври билан солиштирганда 50 фоизга импорт эса 25 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин. Эстонига маҳсулот экспорт қилидиган давлатлар ичида Россия Финландия ва Швециядан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Эстония портлари орқали ташилган Россия товарлари ҳажми 2009 йилда 18,3 млн тоннани, 2010 йилда эса 20,1 млн тоннани ташкил қилди². Бундан ҳам кўриниб турибдики гарчи икки давлат шртасида бир қатор муаммолар бўлшига қарамасдан икки

¹ Региональное измерение российско-балтийских отношений. The Regional Dimension of the Russian-Baltic Relations / Под. ред. Л.А. Карабешкина. – СПб., 2004. – С.100.

² Экономическое сотрудничество. // <http://www.rusemb.ee/relations/>

мамлакатнинг иқтисодий соҳадаги алоқалари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Россия ва Литва муносабатлари. 1991 йил 6 сентябрда СССР давлат кенгашининг қарори билан Литва Республикасининг мустақиллиги тан олинди ва 1991 йил 9 октябрда Россия ва Литва ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўтган давр мобайнида икки давлат ўртасиданинг ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари кенгайди. 1991 йил 29 июлда Москвада Россия ва Литва Республикалари ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ушбу шартнома 1992 йил май ойидан куча кирган. 1997 йил 26 октябрда Москвада Россия ва Литва давлат чегаралари тўғрисидаги ва Болтиқ денгизидаги континенталь шельф ва айрим иқтисодий ҳудудларнинг чегараларини белгилаш тўғрисида шартномалар имзоланди. мазкур шартномалар 2003 йил август ойидан кучга кирган. 2005 йилда Россия-Литва-Польша давлатлари ўртасидаги қуруқликдаги давлат чегаралари тўғрисидаги ва Россия-Литва-Швеция ўртасидаги денгиздаги чегаралари тўғрисидаги давлатлараро келишувлар имзоланди¹.

Бугунги кунга келиб Россия ва Литва ўртасида 8 та давлатлараро, 32 та ҳукуматлараро ва 28 та тегишли идоралараро шартнома ва келишувлар имзоланган ва ҳаракатда. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, таълим ва маданий соҳалар бўйича Россия ва Литва ҳукуматлараро комиссия доирасида 20 га яқин келишувлар ишлаб чиқилмоқда².

Болтиқбўйи давлатларидан фарқли улароқ Россия ва Литва ўртасидаги муносабатларида кўпроқ илиқлик касб этади. Буннинг исботи сифатида юқори давлат раҳбарларининг доимий ташкил этилаётган ўзаро учрашувларини келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, Литва раҳбари А.Бразаускаснинг (1997) ва В.Адамкуснинг (2001) Россия қилган расмий ташрифлари, 2003 йилда Ойтва президенти Р.Паксаснинг Россия-Европа саммитида иштирок этиши, 2009 йилда 18 августда Россия президенти Д.Медведев ва Литва президенти

¹ Политические контакты. // http://www.lithuania.mid.ru/doc/polit_kontakt2011.htm

² Там же.

Д.Грибаускайте ўртасида телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди ҳамда 2010 йилда 10 февралда Д.Грибаускайте Болтиқ денгизи бўйича Хельсенки саммити доирасида Россия ҳукумат раҳбари В.Путин билан учрашди ва икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган муаммолар муҳокама қилинди ва иқтисодий, Литва ҳудуди орқали Россия товарларини етказиб бериш каби масалалар кўриб чиқилди¹. Бундан ташқари, идоралараро алоқалар ҳам доимий характер касб этади. Бугунги кунда идоралараро ўзаро алоқалар 2010 йил 10 мартда Москвада имзоланган вазарликлар ўртасидаги ҳамкорлик Дастури асосида амалга ошириб келинмоқда.

Литва билан ўзаро муносабатларда Россия учун асосий аҳамияти бу Калининград ҳудудини ривожлантириш ва у ерда хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади. 1991 йилда имзоланган Россия ва Литва ўртасидаги Калининград ҳудудини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ва 1999 йилда имзоланган Россиянинг Калининград ўлкаси ва Литва ҳудудларининг узок муддатли ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳукуматлараро келишувлар ушбу муносабатларнинг асоси сифатида хизмат қилмоқда².

Гарчи жаҳон молиявий инқирози Россия ва Литва ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари босқичма-босқич ривожланиб боришига ўз таъсирини кўрсатди. Аммо шундай бўлса ҳам 2010 йилда бошлаб вазият тикланиб бормоқда. Мисол учун, Россия Божхона хизмати федерациясининг маълумотларига кўра, 2010 йилда Россия ва Литва ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2009 йил билан солиштирганда 6,4 фоизга ўсиб 4511,9 млн АҚШ долларни ташкил этди. Шу сабабли Россия Литвага экспорти 4,6 фоизга, яъни 3559,1 млн АҚШ долларга, импорт эса 13,4 фоизга, яъни 952,8 млн АҚШ долларга ўсди. Россия фойдасига ижобий сальдо 2606,3 млн АҚШ долларни ташкил қилди³.

¹ Политические контакты. // http://www.lithuania.mid.ru/doc/polit_kontakt2011.htm

² Страны Балтии в конце XX – начале XXI в. Внутренняя и внешняя политика. – Lambert Academic Publishing, 2011. – С.221.

³ О состоянии торгово-экономических связей между Россией и Литвой. // <http://www.lithuania.mid.ru/doc/tor-gov-ekonom2011.htm>

2010 йил якунлари бўйича Россия экспортида Литванинг улуши 0,9 фоизни, импортида эса 0,4 фоизни ҳамда умумий Россиянинг товар айирбошлашда 0,7 фоизни ташкил этди. Россиянинг ташқи савдо ҳамкорлари ичида Литва 26 ўринни эгаллайдию Литва статистика департаментнинг маълумотларига кўра Россия Литванинг асосий савдо ҳамкори ҳисобланади. Сўзимизнинг исботи сифатида Литва экспортининг 15,6 фоизи, импортнинг эса 32,6 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади¹.

Россия Литвага экспорт товарларининг 73,5 фоизини минераль маҳсулотлари (ёқилғи энергетика маҳсулотлари), 11,6 фоизи машиналар, машина асбоб-ускуналари ва транспорт воситалари, 8,9 фоизи кимё саноати маҳсулотлари, 2,6 фоиз металл маҳсулотлари ва 1,4 фоизи озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилади². Латвия статистика департаментининг маълумотларига кўра, 2010 йил якунлари бўйича Литва иқтисодиётига Россиянинг тўғридан-тўғри сармояси 35,4 фоизга ошиб 843,3 млн еврони ташкил қилди. Экспертларнинг баҳолашича, Литванинг йиллик газга бўлган талаби Игналинск АЭСнинг ёпишилишдан кейин 1,5-2 мартага ошади ёки 4,5-6 млрд.куб.м ни ташкил қилади. Эслатиб ўтамиз 2010 йилда Литва 3,2 млрд.куб.м миқдорида табиий газ исътемом қилган. Бугунги кунда Литвани табиий газга бўлагн талабини “Газпром” концернни таъминлаб келмоқда³. Умуман олганда, Россия ва Литва ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик янада ривожланиши учун етарли даражада шарт-шароитлар мавжуд.

Маълумки, Литва 2004 йил 29 мартдан бошлаб НАТОнинг аъзо ҳисобланади. Литва НАТОни ўз хавфсизлигини таъминланишининг кафолатчиси сифатида кўради. Бунинг исботи сифатида Литва мудофаа вазири Раса Жукневисин Чикагога қилган ташрифи чоғида охириги 20 йил давомида НАТО жиддий ўзгаришларни бошидан кечирган бўлишига

¹ О состоянии торгово-экономических связей между Россией и Литвой. // <http://www.lithuania.mid.ru/doc/tor-gov-ekonom2011.htm>

² Там же.

³ Российско-Литовские отношения. // <http://www.mid.ru/bdomp/ns-reuro.nsf/348bd0da1d5a7185432569e700419c7a/58a7f3f65d1aa09ec325758200330e25!OpenDocument>

кармасдан, Иттифоқ Литва хавфсизлиги учун муҳим кафолатчи бўлиб қолади деб таъкидлаб ўтди¹. 2004 йил 1 майдан эса Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

2010 йил 10 февраль куни Хельсинкида бўлиб ўтган Болтиқ денгизи давлатлари ва ҳукумат раҳбарлари саммити Россия ва Литва ўртасидаги муносабатларда янги даврнинг бошланишига сабаб бўлди. Узоқ йиллардан буён биринчи марта ушбу саммитда Россия ва Литванинг юқори мартабали шахслари Бош вазир В.Путин ва Президент Даля Грибаускайте ўзаро икки томонлама музокаралар ўрқашишди. Мазкур саммитнинг тарихий аҳамияти шундаки, бунгача икки давлат муносабатлари кескин ва танг ҳолатда бўлган. Мисол учун, Литва собиқ давлат раҳбари Валдас Адамкус Жанубий Осетиядаги урушда очикдан-очик Грузини қўллаб-қувватлади, айнан Россияни босқинчи деб ҳисоблади ҳамда унга қарши тақиқ (санкция) киритилишига чақирди. Бундан ташқари, Литва Сейми (парламент) бир неча бор Россиядан Совет Иттифоқи Литвани босиб олган вақтда етказилган зарурни қоплаш учун 23 млрд доллар миқдорида товон тўлашни талаб қилди. Бундай ҳолатлар икки давлат алоқаларига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган эди. Музокаралар давомида 2009 йилда Литвада ЕИ талаби билан СССР даврида қурилган Игналинск АЭС ёпиб қўйилди. Натижада ушбу Болтиқбўйи давлати электр энергиясини экспорт қилувчи давлатдан импортчи давлатга айланиб қолганлигин муҳокама этилди. В.Путин Литва томонига имтиёзли шартлар билан сотиб олиши мумкин бўлган Россия газига ҳисобига йўқотилган электр энергиясини қоплаш имкониятини кўриб чиқиш таклифини билдирди. В.Путиннинг таклифига ўз муносабатини билдириб “бизда асослар бор станциянинг ёпилиши билан табиий газга бўлган Литванинг талаби камида икки мартага ўсади. Биз ҳам манфаатли шартларда таклифни кўриб чиқиш ва икки давлат ўртасидаги барча мавжуд муаммоларни ҳамкорлик руҳида ҳал этишга тайёرمىз”, - деб таъкидлаб ўтди Литва Президенти И.Грибаускасти. Шундай қилиб, Россия Бош вазири ва

¹ Рогозин Д. Россия-НАТО. Время исправлять ошибки. //Международная жизнь. –М.: 2009. – №4. – С.23.

Литва Президенти энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун дастлабки асосни яратишди. Бундан ташқари, В.Путин Литва Президентига Калининград ўлкасида қуриладиган АЭС қурилишида Литвнинг иштирок этишини таъкидлаб ўтди. Бироқ И.Грибаускайти ҳозирча розилик билдиришга шайланмапти буни Президент унинг мамлакати Латви, Эстония ва Польша билан ҳамкорликда бошқа бир атом электр станциясини қураётганлиги билан изоҳламоқда. Икки давлат ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор ҳисобланди. Шу ўринда эслатиб ўтиш ўринлики, Калининград ўлкасига бораётган юklar вагонинг катта қисми литва ҳудуди орқали ўтади. Ўз навбатида, Россия Литва учун асосий энергетика ресурслари етказиб берувчи, муҳим сармоя киритувчи ва шунингдек, Литванинг ЕИ бозорларида рақобатлашиш қийин бўлган сут маҳсулотлари ва бошқа товарлари учун ўта муҳим бозор ҳисобланди. Бир сўз билан айтганда, Путин ва И.Грибаускайтиларнинг учрашуви ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик йўлидаги икки давлатнинг ўзаро муносабатлари учун катта турки бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Литвадан ташқари бошқа Болтиқбўйи давлатлари ҳали ҳамон Россия билан ўз чегараларининг юридик асосларини тегишли келишувлар билан мустаҳкамлагани йўқ. Пировардида Россия ва Болтиқбўйи давлатлари муносабатларини доимо мураккаблаштираётган иккита ўзига хос муаммо мавжуд. Маълум даражада Россия ушбу давлатлар билан охириги 20 йил давомида минтақавий даражадаги совуқ уруш ҳолатини олдиндан аниқлаб олган. Бу ерда гап НАТОдаги аъзолик доирасида мазкур уч Болтиқ давлати ўз хавфсизликлари учун қафолат олишни ҳал этиш ва Россия нуқтаи назаридан Латвия ва Эстонияда русс миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқий мақомининг қаноатлантирмаёргани ҳақида кетмоқда.

Тарихий, демографик, маданий ва геосиёсий сабаблар туфайли Литванинг Россия билан муносабатлардаги муаммолар бошқа Болтиқбўйи мамлакатлариникидан жиддий фарқ қилмайди. Литва ҳар доим Россияга нисбатан муносабатларда изчил ва қаттиқ ташқи сиёсат юритиб келган.

Эслатиб ўтамиз, Литва аҳолисининг 10 фоизи русс миллатига мансуб аҳоли ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кундаги Россия ва Литва ўртасидаги музокораларда асосий масала бу Литва ҳудуди орқали Россия фуқароларининг ўтиши, Литва орқали товарларнинг жаҳон бозорига етказиб берилиши, денгизда балиқ овлаш, Литванинг энергеника хавфсизлигини таъминлаш каби қатор масалалари ҳисобланади. Россия ва Литва ўртасидаги муносабатларда асосий эътибор Калининград ўлкасида барқарор ҳаётни таъмин этиш масалаларига қаратилмоқда. Бу соҳада Россия томонининг асосий саъй-ҳаракатлари Литва ҳудуди орқали Калининград ўлкасидан аҳолини, товарлар ва ҳарбийларни ташиш ёки ушбу ҳудудга олиб келишни амалга ошириш учун юқори даражада яхши шарт-шароитлар билан таъминлашга йўналтирилган.

Россия ва Латвия муносабатлари. 1991 йил 6 сентябрда Россия томонидан Латвия мустақиллиги тан олинди ва 1991 йил 4 октябрда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги тўғрисида протокол имзоланди. 20 йил давомидаги Россия ва Латвия ўртасидаги муносабатларини кўриб чиқадиган бўлсак сўнгги йилларда икки давлат муносабатларида ижобий силжишлар кўзатилмоқда. Мисол учун, 2007 йилдан бошлаб олий ва юқори даражадаги алоқалар ривожлана бошланди. 2007 йил 26-27 март кунлари Латвия Бош вазири А.Калвитис Россияга ташриф буюрди. Унинг ташрифи чоғида Россия ва Латвия ўртасида давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланди. 2007 йил 18 декабрда Россия ташқи ишлар вазири С.В.Лавровнинг Латвияга қилган ташрифи доирасида ратификация қилинган чегара тўғрисидаги шартномага ёрлик алмашиш амалга оширилиди. Бундан ташқари икки давлат ўртасида ижтимоий соҳада алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги келишув имзоланди.

Россия ва Латвия ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига туртки бўлган воқеа бу 2010 йил 19-21 декабрь кунлари Латвия Президенти В.Затлерснинг Россияга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ушбу ташриф вақтида

икки мамлакат алоқаларнинг ривожига асос бўлган 10 га яқин хужжат имзоланди. улар орасида “икки марта кўп солиқ олишга йўл қўймаслик ва солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатларини олидини олиш тўғрисида”ги, “жиноятчиликка асосан, унинг уюштирилган шаклига қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги, “фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш ва уни биргаликда бартараф этиш тўғрисида”ги, “атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги, “туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги, “чегара ҳудудларидаги аҳолининг ўзаро сафар ёки саёҳат қилишларини соддалаштириш тўғрисида”ги ва “элчихоналарни жойлаштириш шартлари тўғрисида”ги битимларни келтириб ўтиш мумкин. Мазкур битимларнинг кўпчилиги кучга кирган. Бироқ икки давлат ўртасидаги “чегара ҳудудларидаги аҳолининг ўзаро сафар ёки саёҳат қилишларини соддалаштириш тўғрисида”ги келишув имзоланиш босқичида турибди¹. Бугунги кунда Россия ва Латвия муносабатларининг ҳуқуқий асосини 50 дан ортиқ шартнома ва битимлар ташкил этади.

2011 йилда Россия ва Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик янада кенгайганлиги билан таснифланади. 2010 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоизга ошииб 6,4 млрд АҚШ долларини ташкил қилди². Икки давлатнинг иқтисодчиларининг баҳолашича 2012 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш 8 млрд доллардан ошиши керак³.

“Латвия ҳукумати эртами кечми мамлакатда яшаётган фуқаролиги бўлмаган аҳоли муаммосини ҳал этиши учун тегишли чора кўриши лозим ва бу нарса икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг янада ривожланишига замин яратади” – деб таъкидлаб ўтди Россия собиқ президенти Д.Медведев. 1991 йилда Болтиқбўйи Республикалари ичида ўз мустақиллигини қўлга киритган вақтдан бошлаб 2010 йил 19-21 декабрь кунлари Латвия Президенти биринчи бўлиб Россияга расмий ташриф

¹ Российско-латвийские отношения. // <http://www.latvia.mid.ru/ruslat01.html>

² Russia's Growing Economic Reach in Latvia. // http://www.stratfor.com/memberships/1917_72/analysis/20110414-russias-growing-economic-reach-latvia

³ Российско-латвийские отношения. // <http://www.latvia.mid.ru/ruslat01.html>

буюрди. Москвалик қатор экспертлар қайт этишича Латвиядаги бугунги ҳукумат олидингиларидан фарқли ўлароқ Россия билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдори. Кремль икки томонлама муносабатлардаги асосий муаммо Латвиядаги русс тилида гаплашувчи аҳоли орасида фуқароликка эга бўлмаганлар ҳисобланади¹. Эслатиб ўтамиз бугунги кунда Латвияда 335 минг фуқаролиги бўлмаган шахслар ташкил этади. Шулардан 221 минг фуқаро этник жиҳатдан русслар ҳисобланди².

Латвияда русс миллатига мансуб аҳолининг деярли ярми Рига шаҳрига тўғри келади. Пойтахтда умумий аҳолини сонинг 47 фоизидан кўпроғини русслар ташкил қилади. Ригада 370 мингдан ортиқ русс миллатига мансуб аҳоли яшайди. Қайт этиб ўтиш лозимки Латвия пойтахтида яшаётган русслар маҳаллий аҳоли сонидан ортиқни ташкил этади³. Тахминан Латвия аҳолисининг 27 фоизини этник жиҳатдан русслар ташкил қилади⁴.

Россия ва Латвия кўпроқ иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор ҳисобланишади. 2006 йилда имзоланган иқтисодий ҳамкорлик ва иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Россия-Латвия комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги икки томонлама келишув Россия ва Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланди.

2010 йил декабрь ойида Москвада ташкил этилган юқори даражадаги учрашув Россия ва Латвия муносабатларини ривожланишида ижобий томонга ўсишига турки бўлди ҳамда савдо ва иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайиши учун яхши бир фундамент яратди. “Икки марта кўп солиққа торишга йўл қўймаслик ва солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатларини олидини олиш тўғрисида”ги ҳукуматлараро имзоланган келишувни қайт этиб

¹ Медведев: властям Латвии придется решить проблему неграждан. // <http://ria.ru/politics/20101220/311160471.html>

² Nils Muižnieks. Latvian-Russian Relations: Dynamics Since Latvia's Accession to the EU and NATO. – Latvia.: University of Latvia Press, 2011. – P.26.

³ Шибеева Е. Русскоязычное население Прибалтики: адаптированность к социально-политическим условиям после 1991 года. // <http://www.materik.ru/problem/detail.php?ID=3247&print=Y>

⁴ The Next Stage of Russia's Resurgence: The Baltic States. // <http://www.stratfor.com/analysis/next-stage-russias-resurgence-baltic-states>

ўтиш лозим. Мазкур келишувнинг кучга кириши ўзаро савдо ва сармоявий фаолликни ўсишига қўшимча шарт-шароитлар яратади.

Болтиқ давлатлари ичида Латвия Россия ташқи савдосида пешқадамлик қилади. Россия Федераль божхона хизматининг маълумотларига кўра, 2010 йил якунлари бўйича олидинги йилга караганда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 42,6 фоизга ошиб 6,4 млрд долларни ташкил қилган. Шу сабабли экспорт 5,7 млрд доллар, импорт эса 0,7 млрд долларни ташкил этган. Россия учун ижобий савдо сальдоси яъни 5 млрд доллар сақланиб қолмоқда. 2011 йил январь ва май ҳолатига ўзаро савдо 3,3 млрд долларни ташкил қилган яъни 29,8 фоизга ошган. Россиянинг Латвияга экспортида дизель ёқилғиси, мазут, табиий газ, кўмир 88 фоизни, кимё саноати маҳсулотлари 4 фоизни ва металллар, транспорт воситалари 1,7 фоизни ташкил қилади. Импортда эса асосан электротехника асбоблари, озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари, ва тўқимачилик товарлари пешқадамлик қилади¹.

Латвия банкининг маълумотларига муфовиқ, 2011 йилнинг 1 июнь ҳолатига Россия Латвия иқтисодиётига тўғрида-тўғри сармоя олиб кириш бўйича олтинчи ўринни эгаллаган. Бундан ташқари, транзит соҳасида Россия Латвиянинг асосий ҳамкори ҳисобланди. Денгиз портлари орқали 40 млндан кам бўлмаган ёки умумий Россия товарлари ҳажмининг 70 фоизига яқин ўтади².

Сўнги йилларда Россия ва Латвия алоқалари ҳам фаоллашиб бормоқда. Сўзимизнинг исботи сифатида, 1994 йилдан буён давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида ҳеч қандай ташрифлар амалга оширилмаган. 2007 йилда мартда Латвия Бош вазири Калвитис ишчи ташрифи билан Москвага келди³.

¹ Евгений Тихонов о новом этапе торгово-экономических отношений между Россией и Латвией. // <http://www.baltic-course.com/rus/opinion/?doc=52182>

² Симонян Р.Х. Россия и Евросоюз: Балтийский потенциал экономической интеграции. // Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2011. – №4. – С.52.

³ Напряженности в отношениях Риги и Москвы нет, заявил посол Латвии в РФ. // <http://ria.ru/world/20101216/309404698.html>

Бугунги кунда Россия ва Латвия муносабатларида келишмовчиликлар мавжуд эмас. Латвия ва Россия муносабатлари истиқболли ва прагматик йилга ўтди деб таъкидлаб ўтди Латвиянинг Россиядаги элчиси Э.Скуи¹.

Россия баъзи бир сиёсий сабаблар учун Болтиқ давлатларига қарши энергетикадан “қурол” сифатида фойдаланиб келмоқда. Мисол учун, 2002 йилда Россия Латвиянинг йирик нефть терминали устидан назоратни йўқотгандан кейин нефть қувурини ёпиб қўйди. 2006 йилда Мазикеу нефтни тозалаш заводининг Польша компаниясига солиб юборилиши туфайли Россия Литвага нефть қувурини тузатиш баҳонасида уни ёпиб қўйди. 2007 йилда Эстониядаги бронза ҳайкалининг бузилиши натижасида Эстонияга қўмир ва нефть етказиб бериш тўхтатилди².

Умуман олганда, иқтисодий нуқтаи назардан дунё иқтисодиёти билан Болтиқ бўйи давлатларини солиштирсак улардан улуши жуда камлигини кўрамиз. Бутун дунё ялпи ички маҳсулотида Эстониянинг улуши 0,04%, Латвия 0,06% ва Литва 0,08%, Россиянинг улуши 3 фоизни ҳамда Европа Иттифоқининг улуши эса 30 фоиздан ошиқроқни ташкил этади. ЕИ ЯИМда Эстониянинг улуши 0,13%, Латвия 0,19%, Литва 0,26% ва Россияники эса 9%дан кўпроқни ташкил қилади³. Мазкур статистик кўрсаткичлардан кўриби турибдики, Болтиқбўйи давлатлари иқтисодий ЕИникига қараганда Россияга яқинроқ ҳисобланади.

Қатор сиёсий экспертлар Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларини қизғин муҳокама этиб келишмоқда. Хусусан, Кант номидаги Болтиқ тадқиқотлар институтининг директори Вадим Смирнов яқин келажакда Россия ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришлар бўлиши қийин масала деган фикрда. Тахмин қилиш мумкинки вақт ўтиши билан сиёсий ўйинчиларнинг алмашиши ва совет давридан холос бўлиб борган сари Россия ва Болтиқбўйи

¹ Напряженности в отношениях Риги и Москвы нет, заявил посол Латвии в РФ. // <http://ria.ru/world/20101216/309404698.html>

² Ingmar O. Russia's Great Power Strategy under Putin and Medvedev. //Occasional Uipapers. –S.: 2010. – №1. – P.22.

³ Михаил Делягин: "Прибалтика от России ушла, а в Европу так и не попала". // <http://www.kp.ru/daily/24324/517324/>

давлатлари ўртасидаги муносабатлар бора-бора яхшиланиб боради. Шундай бўлса ҳам бугунги кунда икки томоннинг ўзаро даъволари талайгина¹.

Хулоса қилиб айтганда Россия Болтиқбўйи давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор ҳисобланади. Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларида чегаравий муаммолар, русс миллатига мансуб аҳоли ҳуқуқларининг бузилиши каби зиддиятлар сақланиб қолмоқда. Умуман олганда, Россия Болтиқбўйи минтақаси билан тарихий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан узвий боғланган шу сабабли ҳам мазкур субрегион шубҳасиз Россиянинг ҳаётий муҳим манфаатлар зонасига киради. Совет Иттифоқининг парчаланган сўнг ягона геосиёсий маконнинг емирилиши ва Болтиқбўйи республикаларининг мустақилликни қўлга киритиши Россия ва Болтиқ мамлакатларининг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатларига ўз салбий таъсир кўрсатди. Россиянинг Болтиқбўйи давлатларига нисбатан ташқи сиёсатида савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашувчи ва Ғарбга томон йўл очадиган транзит ҳудуд сифатида ушбу минтақага нисбатан Россиянинг анъанавий манфаатлари сақланиб қолмоқда.

3.2. Россия ва Болтиқбўйи давлатларининг ҳозирги босқичдаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ва истиқболлари

Болтиқбўйи давлатларининг НАТОга кириши, мазкур давлатлар иқтисодиётининг Ғарб томонга йўналиши ушбу минтақада Россия ролининг иқтисодий ва стратегик заифлашувига олиб келмоқда ҳамда Россиянинг геосиёсий кудратига путур етказмоқда. Бугунги кунда Россия сиёсий буфер ҳудуди сифатида ҳамда Россия ва Европа ўртасидаги “кўприк” сифатида Болтиқбўйи минтақаси имкониятларидан етарли даражада фойдалана олмаяпти.

¹ Эксперт: В ближайшее время отношения между Россией и Прибалтикой не улучшатся. // <http://newsbalt.ru/detail/?ID=4355>

Россия бевосита ўзининг Болтиқ денгизидаги шимолий-ғарбий худудлари Европа Иттифоқи билан чегарадош ҳисобланади. Ғарбий Европа томон йўналган ушбу “дарвозалар” Россия учун ҳаётий муҳим бўлган ва бўлиб қолмоқда. Тарихдан маълумки, мазкур “дарвозалар” 1497 йилда Болтиқбўйи учун бўлган урушда швет кўшинлари мағлубиятга учратилган Иван III даврида барпо этила бошлаган. Ушбу “дарвоза” қурилиши денгизга чиқиш учун бўлган тўрт аср давом этган Ливония уруши Иван Грозний даврида ҳам давом этди. Болтиқбўйи минтақаси учун бўлган урушлар Буюк Пётр даврида ниҳоясига етди¹. Бугунги кунга келиб эса ушбу дарвозалар кенгрок ва узлуксиз ҳамда самарали фаолият юритиш лозим. Ҳозирда деярли Россия экспортининг 50 фоизи ва ташқи савдонинг учдан бир қисми Болтиқ денгизи портлари орқали амалга ошириб келинмоқда². Ушбу омиллар Россиянинг Болтиқбўйи давлатларига нисбатан ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Россиялик эксперт М.А.Троицкийнинг фикрича, айнан Болтийбўйи минтақаси Россиянинг Европага интеграциясида етакчи роль ўйнайди³. Россия ва унга қўшни бўлган давлатларнинг муносабатларини таҳлил қилар экан Финландиялик эксперт Андерс Аслунд Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатлари бугунгидек ҳеч қачон яхши бўлмаганлигини таъкидлаб ўтган⁴. Тўғри бугун Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасида муносабатларда йирик низоли ҳолатлар йўқ. Масалан, 2009 йилда Литва Президенти Д.Грубауска Россиянинг собиқ Президенти Д.Медведев билан икки давлат ўртасидаги транспорт ва сут экспортидаги муаммоларни муҳокама қилишгани ёки бўлмаса 2010 йилда Латвия Президенти Валтис Затлерснинг Москвага расмий ташрифини келтириб ўтиш мумкин. Бошқа бир экспертнинг баёнотида эътибор қаратадиган бўлсак гарчи

¹ Кочегарова.Т. Роль Балтийского региона в сотрудничестве Россия-Евросоюз. http://www.perspektivy.info/oikumena/ekdom/rol_baltijskogo_regio_na_v_sotrudnichestve_rossija-jevrosojuz_2011-06-24.htm

² Симонян Р.Х. Россия и Евросоюз: Балтийский потенциал экономической интеграции. //Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2011. – №4. – С.54.

³ Троицкий М. “Мягкая безопасность”: российско-балтийский подход. //Международная жизнь. – М.: 2008. – №6. – С.34.

⁴ Denisenko V. Russia and Baltic States: silent “reset” of relations? <http://www.geopolitika.lt/?artc=4775>

Болтиқбўйи давлатлари Россия билан муносабатларда бир хил ёндашувга эга бўлишсада, бироқ Москва Латвия, Литва ва Эстонияга нисбатан муносабатларда турли сиёсий нуқтаи назарга эга деб таъкидлаб ўтган сиёсий технологиялар лойиҳаларини тайёрлаш Марказининг раҳбари Олга Мефожева. Шунингдек, эксперт Болтиқбўйи давлатлари Россияга нисбатан муносабатларида ўзларининг маълум бир стратегиясини аниқлаб олган ва яқин 3-5 йил ичида улар ушбу стратегияни ўзгартиришлари эҳтимоли йўқ деб ҳисоблайди¹.

Машҳур сиёсатчи Р.Х.Симоняннинг фикрича, Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларининг янада ривожланишида транзит алоқалари муҳим бир устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Биринчи навбатда, бу ерда гап Осиё-Тинч океани ва Ўрта Осиё минтақаларидан Европага темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда. Р.Симонян бугунги кунда Россия транзит давлат сифатида ўзини англаб етмоқда, чунки Жанубий-шарқий ва Ўрта Осиёдан Европага энг қисқа йўл айнан Россия ҳудуди ҳисобланади деб таъкидлаб ўтган. Афсуски, Россия портлари орқали юк ташишдан келган фойда у қадар катта эмас ва у тахминан Даниянинг транзитдан олдиган фойдасига тенг². Қайт этиш лозимки, Болтиқбўйи минтақаси Европа ва Осиё минтақаларининг ҳамкорлиги учун энг қулай минтақа ҳисобланади. Шу сабабли ҳам сўнгги 3-4 йил давомида мазкур минтақага нисбатан Хитой, Янопия ва Жанубий Кореянинг қатор делегациясиларининг сафи кенгаётганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо қурилиши режалаштирилаётган Болтиқ денгизи тубидан ўтадиган Россия ва Германия ўртасидаги Шимолий Европа газ қузури яъни “шимолий оқим” газ қузурининг қурилишига Болтиқбўйи давлатлари кескин қарши чиқишмоқда.

¹ Three positions of Russia concerning the relations with the Baltics. // <http://www.geopolitika.lt/?artc=5242>

² Симонян Р.Х. Россия и страны Балтии. – М.: РАН, 2005. – С.483-484.

“Шимолий оқим” газ қузури умумий узунлиги 1224 км бўлган иккита тармоқдан иборат бўлиб, йилига 27,5 млрд куб метр табиий газ етказиб бериш қувватига эга. Ушбу қувур тўғридан-тўғри Болтиқ денгизи орқали ўтиб Россияни ЕИнинг энергетика тизими билан боғлайди. 2012 йилнинг тўртинчи кварталда қувур тўлиқ қувват билан ишга тушгандан сўнг 50 йил давомида у йилига 55 млрд куб метр газ етказиб бера олади. Қувур ЕИ энергетика бозорининг ривожига катта турки бўлади ва Европа энергетика хавфсизилигини таъминлашда муҳим омил бўлади¹.

Маълумки, қувурнинг биринчи тармоғи 2011 йилнинг июн ойида қуриб тугатилди. 2011 йил ноябр ойидан бошлаб “Шимолий оқим” газ қузури орқали газ етказиб берилмоқда. Иккинчи тармоқ қурилиши 2011 йил майда бошланиб 2012 йилнинг сўнгги кварталда тугатилиши режалаштирилган². Мазкур қувурнинг қурилишига аввал Болтиқбўйи давлатлари қарши туришди. Мисол учун, Европа парламентдаги Литвалик депутат Витаутас Ландсбергис ушбу қувурнинг қурилишидан Европанинг сиёсий харитасини ўзгартириш мақсадини кўзламоқда” - деб таъкидлаб ўтган. Аммо Латвия президент Валдис Адамкус мазкур лойиҳа Болтиқбўйи давлатларининг иқтисодий ривожланиши учун ҳаётий муҳим ҳисобланади. Биз ушбу қувурни қурилишида бизнинг манфаатларимиз ҳисобга олиншини ҳохлаймиз” – деб эътироф этиб ўтди. Эслатиб ўтамиз, 2008 йилда Болтиқ денгизи мамлакатлари саммитида Эстония, Латвия ва Литва вакиллари мазкур қувурнинг қурилишига қарши эмасликларини маълум қилишган эди³.

Европа парламентдаги Литвалик депутат Витаутас Ландсбергнинг фикрича, мазкур Россия ва Германиянинг иттифоқи Европанинг сиёсий харитасини ўзгартириш учун режалаштирилган. Литва, Латвия ва Эстония парламентлари Россия ва Германиядан уларнинг экологик ва иқтисодий

¹ Газопровод «Северный поток». // <http://www.nord-stream.com/ru/gazoprovod/>

² Балиев А. Сквозь природу. // Российская газета. – М.: 2010. – №5322 (243). – С.4.

³ Полемика вокруг газопровода «Северный поток». // http://www.memoid.ru/node/Polemika_vokrug_gazoprovo_da_%C2%ABSevernij_potok%C2%BB

манфаатларини ҳисобга олишни талаби ўз аксини топган резолюцияни қабул қилди¹.

Энергетика соҳаси Россиянинг Эстония, Литва ва Латвия билан муносабатларида муҳим масала ҳисобланади. Маълумки, Болтиқбўйи давлатлари деярли 100 фоиз табиий газни Россиядан импорт қилади ва Совет Иттифоқининг парчаланиши оқибатида ушбу давлатлар ягона электр тармоғига боғланиб қолган эди. Бундай омиллар ўз навбатида Болтиқбўйи давлатларининг мустақил энергетика сиёсатини олиб боришларини қийинлаштирмоқда. Латвиялик сиёсатчи Нилс Муизниекнинг фикрича Болтиқбўйи давлатлари Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналишларининг қуйи бўғинида туради ва Россиянинг ушбу давлатлар билан муносабатларида кескинлик сақланиб қолмоқда. Ушбу давлатлар Россия билан ўзаро ишончли ҳамкорлик орқали энергетика бўлган боғлиқликларини енгиллаштиришлари мумкин, бироқ эксперт Россия-Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатларида илиқликни кўрмаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Москвадаги Литва элчиси Литва ва Россия ўртасидаги иқтисодий ва савдо муносабатлари мустаҳкам бўлиб босқичма-босқич ривожланиб бораётганлиги қайт этиб, Россия Литванинг энг муҳим ҳамкорлардан бўлиб бутун Литва экспортнинг 16 фоизи Россияга йўналтирилганлигин таъкидлаб ўтди. 2011 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўзининг чўққисига етганлигини ҳамда 11 млрд еврони ташкил этганлигига алоҳида эътибор қаратди. Россиянинг Литвага тўғридан-тўғри сармоя киритадиган давлатлар ичида 5 ўринни банд этганлигини ҳам айтиб ўтди².

АҚШлик машҳур сиёсий олими доктор Жануш Бугажск Болтиқбўйи давлатларига нисбатан Россия таъсирининг ўсиб бораётган жиҳатларига эътибор қаратиб, бугунги кунда Россия мазкур минтақада қўлдан кетган геосиёсий таъсирини қайтадан тиклашга ҳаракат қилмоқда ва шу сабабли

¹ Россия - страны Прибалтики. // <http://aleksey-artur.livejournal.com/12696.html>

² Реформы газового сектора Литвы не направлены ни против России, ни против "Газпрома". // <http://www.interesterfax.ru/text.asp?id=235487>

Болтиқбўйи давлатлари билан бўлган муносабатларда бир қатор ташқи сиёсий воситалардан фойдаланаётганлиги очиқ намоён бўлаётганлини айтиб ўтди.

Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан алоқалари бир қатор минтакавий ташкилотлар доирасида ривожланиб бормоқда. Хусусан, 1992 йилда 5-6 мартда Копенгагенда Болтиқ денгизи давлатлари ташқи ишлар вазирлари конференциясида Болтиқ денгизи давлатлари Кенгаши таъсис этилди. Бугунги кунда ташкилот таркибига Германия, Дания, Исландия, Латвия, Литва, Норвегия, Польша, Россия, Финландия, Швеция, Эстония ва Европа Комиссияси киради. 1995 йилда ташкилотга Исландия аъзо бўлиб кирди¹.

2011 йилда Россия ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатлардаги инсон ҳуқуқларининг бузилиш каби ҳолатлар таҳлил қилинган биринчи баёнотини тақдим этди. Таъкидлаш жоизки мазкур баёнотда айнан Болтиқбўйи мамлакатларидаги инсон ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисидаги маълумотларнинг таҳлили асосий ўрин эгаллайди.

“2011 йил давомида бизни ташвишлантирган нарса афсуски, русс тилида гаплашувчи камчилик фуқароларнинг асосий сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ Эстония ва Латвиядаги оммавий фуқаросизлик муаммоси сақланиб қолмоқда. Ушбу камчилик аҳоли Эстония ва Латвияда юз минглаб аҳолини ташкил қилади” – деб таъкидлаб ўтди Россия ташқи ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Константин Долговс².

Сўнги йилларда Латвия ва Эстонияда оммавий фуқароликни олмаган аҳоли муаммоси сақланиб қолмоқда. Хусусан, бу нарса Латвияда 400 минг, Эстонияда эса 115 мингдан ортиқ аҳолини ташкил қилади. Айнан мазкур минтақада русс тилида гаплашувчи аҳоли кўпчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан

¹ Сотрудничество России с региональными организациями на Севере Европы. // http://www.mid.ru/ns-ynpop.nsf/osn_copy/F0139780796C3565C325704300315460

² Доклад МИД РФ: дискриминация русских в Эстонии продолжается. // <http://rus.postimees.ee/683644/doklad-mid-rf-diskriminacija-russkih-v-jestonii-prodolzhaetsja/>

муносабатларда ҳал қилиниши керак бўлган асосий муаммолардан бири ҳам айнан русс миллатига мансуб фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ҳозирда Болтиқбўйи минтақасидаги русс тилида гаплашувчи аҳоли учун жиддий муаммо давлат тилининг русс тили билан мажбурий алмаштирилиши ҳисобланади. Бу ҳолат айниқса Эстония ва Латвияда давлат тиллари интеграцияни мақсад қилиб эмас, балки русс тилида гаплашувчи аҳолини ўзлаштириш воситаси сифатида фойдаланиб келинмоқда¹. Шу сабабли ҳам Россиянинг Болтиқбўйи давлатларига нисбатан ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам айнан ушбу минтақада русс миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва у ерда улар орқали Россиянинг мавқеини кучайтириш ҳисобланади. 2008 йил 12 июлда қабул қилинган Россия Федерацияси ташқи сиёсий концепцияси, 2000 йил 10 январдаги Россия Федерацияси миллий хавфсизлик Концепцияси, 2009 йилда қабул қилинган янги “2020 йилгача миллий хавфсизлик стратегияси” каби қатор ҳужжатларда Россия Федерацияси яхши кўшничилик руҳида ва икки томонлама манфаатларни ҳисобга олган ҳолда Эстония, Литва ва Латвия билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш тарафдори эканлиги қайт этилган. Европа ва халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мувофиқ русс тилида гаплашувчи аҳолининг ҳуқуқларига алоқадор масалалар Россия учун фундаментал аҳамият касб этиши белгилаб берилган². Ўтган йили Латвияда ўтказилган русс тили мақоми тўғрисидаги референдум мамлакатда русс тилида гаплашувчи аҳоли етарли даражада жипслашганлигидан гувоҳлик беради. Ўтган 20 йил давомидаги Латвиядан русс миллатини сиқиб чиқариш, уларни ассимиляция қилиш ва бир-биридан ажратиш каби уринишлар муваффақиятсизликка учради, яъни русслар ҳақиқатдан ҳам катта кучни ташкил қилади. Бу эса Россиянинг Латвия билан муносабатларида муҳим ўрин тутди.

¹ Шибаева Е. Русскоязычное население Прибалтики: адаптированность к социально-политическим условиям после 1991 года. // <http://www.materik.ru/problem/detail.php?ID=3247&print=Y>

² Nils Muižnieks. Latvian-Russian Relations: Dynamics Since Latvia's Accession to the EU and NATO. – Latvia.: University of Latvia Press, 2011. – P.17.

ЕИ ва НАТОнинг кенгайиши Болтиқбўйи давлатларини Россияга нисбатан муносабатларда ўзаро зиддиятларни юмшатишга ундамоқда. Ўз навбатида, Россия ҳам Болтиқбўйи давлатлари қарши турли тақиқларни олиб ташлашга ва эски муаммоларни ҳал этиш хусусан, Латвия ва Эстония билан чегара тўғрисидаги шартномаларни имзолашга, улар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини ифодаламақда. Сўнги йиллардаги Россия ташқи сиёсатини таҳлил қилар эканмиз Болтиқбўйи давлатларига нисбатан Россия ташқи сиёсатида “иштироксиз тинчлантириш” стратегиясининг элементлари кучаймоқда¹.

Қатор экспертларнинг фикрича, ХХІ асрда мазкур минтақа бутун Европа учун ҳамкорлик ва тинчликни таъминловчи генераторларидан бирига айланиши мумкин. Россия нафақат Калининград анклав ўлкасининг, балки бутун Болтиқбўйи мамлакатларининг геосиёсий барқарорлигидан манфаатдор ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда Болтиқбўйида Россия ҳарбий қўшинлари мавжуд эмас. 1998 йилнинг охирида Россиянинг Латвиядаги сўнги ҳарбий базаси ўз фаолиятини якунлаган. Болтиқбўйи давлатлари савдо ҳамкор сифатида Россияга бўлган қарамлигини камайтиришга ҳаракат қилишмоқда аммо минтақа давлатлари ҳамон табиий ресурслар асосан газ ва нефтда Россияга боғлиқ бўлиб қолишмоқда ҳамда яқин келажакда ушбу ҳолатнинг ўзгариши қийин масала ҳисобланади.

Умуман олганда, Болтиқбўйи давлатлари Эстония, Литва ва Латвия худудининг кичиклиги ва иқтисодий томондан кичик давлатлар ҳисобланишсада, аммо уларнинг географик жойлашуви нуқтаи назаридан Россия учун аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу уч давлат НАТО ва ЕИнинг аъзолари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур давлатларни ўз орбитасига тортишда Россия учун етарли даражада қийинчиликлар туғдиради.

Денгизга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлган Марказий Осиё давлатлари учун жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун Болтиқбўйи

¹ Leonid K. Russian Baltic policy – coherent incoherence. // http://www.lfpr.lt/uploads/File/2007-19/Karabeshkin_ENG.pdf

ташки савдодан йирик миқдорда фойда олиш ҳамда денгизга чиқиш имкониятини яратади. Маълумки, денгизга чиқиш учун мамлакатимизга жанубий ва ғарбий йўналишдаги минтақалардаги вазият ва шарқий йўналишнинг транспорт инфратузулмаси ва масофанинг олислиги тўсик бўлмоқда. Бугунги кунда шимой-ғарбий йўналиш яъни, Болтиқбўйи портлари орқали денгизга чиқиш Ўзбекистон учун анча самарали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Болтиқбўйи давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Қатор мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Россия темир йўлларининг модернизация қилиши натижасида Россиянинг жанубий чегараларидан Болтиқбўйи минтақси портиларига юкларни етказиб беришга кетадиган вақт 1,5 суткани ташкил қилилиш мумкин. Бундан Марказий Осиё давлатлари манфаатдор ҳисобланади.

Ҳозирда мамлакатимизнинг Болтиқбўйи давлатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлигимиз ўзаро муносабатлардаги самарали ва устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Литва ўртасидаги иқтисодий муносабатларга Президентимиз И.Каримовнинг 1995 йил июнда Литва Республикасига қилган расмий ташрифи вақтида имзоланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2002 йил сентябрда Президентимиз И.Каримовнинг яна бир бор Литвага сафари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг янада ривожини учун мустаҳкам замин яратди. Юк ташиш соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон учун айнан муҳим аҳамият касб этади. Литванинг Клайпеда портидан ўзбек товарлари Германия, Польша, Нидерландия, Бельгия, Швеция, Финландия, Дания ва Францияга етказиб берилмоқда¹. 1997 йил февраль ойида Литва Президенти А.Бразаускаснинг ва 2002 йил сентябрда эса Литва Бош вазирининг

¹ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. – Т.: Akademiya, 2005, – Б.184-185.

мамлакатимизга ташрифлари икки томонлама муносабатланинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишида катта аҳамият касб этди¹.

Ўзбекистоннинг Латвия Республикаси билан муносабатларига тўхталадиган бўлсак икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун аввало алоқаларнинг ҳуқуқий негизини яратиш лозим эди. 1995 йилда Президентимиз И.Каримовнинг Латвияга қилган ташрифи ва 1996 йилда Латвия давлат раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида, икки давлат вазирларининг ўзаро сафарлари вақтида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома ва битимлар имзоланди. Ўзбекистон Ғарбий Европа мамлакатларига товарларни етказиб беришда Латвия портларидан фойдаланиб келмоқда. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида 10 та ва Латвия капитали 100 фоиз бўлган битта корхона руйхатдан зтган². Икки томонлама алоқаларнинг ривожига 1996 йил майда Латвия Президенти Гунтис Ульманиснинг ва 2008 йил октябрда яна бир бор Латвия Президенти Валдис Затлерснинг мамлакатимизга расмий ташриф билан келиши муҳим рол ўйнади. 2003 йилдан бошлаб юк ташишни йўлга қўйган “Болтиқ-Транзит” қўшма лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Россия, Қозоғистон ва Болтиқбўйи давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда³.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда бугунги кунда Россия Федерациясининг Болтиқбўйи минтақаси давлатлари билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги чегара муаммоларини халқаро-ҳуқуқий норма ва тамойиллар асосида ҳал этиш ҳамда мавжуд чегараларнинг дахлсизлиги асосида РФнинг ҳудудий яхликлигини сақлаш;

- Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан боғлаб турган транспорт инфратузулмасини такомиллаштириш ва транспорт алоқаларини янада

¹ Узбекско-литовские отношения. // http://mfa.uz/rus/mej_sotr/uzbekistan_i_strani_mira/uzbekistan_strani_evropi_es/uzb_litva/

² Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. – Т.: Akademiya, 2005, – Б.18

³ “Балтика-Транзит”: работа должна продолжаться. // <http://rzd-partner.ru/news/2011/11/11/371260.html>

ривожлантириш. Шунингдек, Россия ҳудудини Калининград ўлкаси билан боғланган транспорт алоқа тизимини такомиллаштириш;

- Болтиқбўйи давлатлари билан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган тамойиллари асосида муносабатларни ривожлантириш;

- минтақавий хавфсизликни таъминлаш;

- Болтиқбўйи давлатларидаги русс миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Бу нарса ушбу минтақадаги Россия ташқи сиёсатининг узок муддатли вазифаси ҳисобланади;

- мазкур минтақа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;

- турли даражадаги минтақавий ташкилотлар (ЕИ, Болтиқ денгизи давлатлари Кенгаши, Болтиқ шаҳарлари иттифоқи, Европа денгиз қирғоғидаги минтақалар Форуми ва шимолий давлатлар визарларининг Кенгаши) доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш¹.

Эстония парламентининг халқаро масалалар бўйича комиссияси раиси Марко Михкельсоннинг фикрича В.Путиннинг яна Россия президенти бўлиши Россиянинг Болтиқбўйи минтақасига нисбатан ташқи сиёсатида ҳеч нарса ўзгариш бўлмайди ҳамда Россия Болтийбўйи давлатларига нисбатан олдинги сиёсатини давом эттиради. Экспертни ташвишга солаётган нарса бу В.Путиннинг Россия армиясининг қайтадан қуроллантиришга бўлган интилиши. Эксперт В.Путиннинг бу мақсади Россия олдида турган таҳдидларга умуман мос келмайди деб ҳисоблайди ва Россияда ҳарбийдан кўра ижтимоий, демократик ва иқтисодий муаммолар сезиларли даражада эканлигини таъкидлаб ўтди².

Россиянинг Болтиқ мамлакатлари билан муносабатларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслиги фикрига Латвия экспертлари ҳам қўшилишади. DnB Nord банкининг таҳлилчи Перерис Страутиньшнинг фикрича, Медведев ва Путин бир тизимнинг сиёсатчилари шунинг учун ҳам Россиянинг

¹ Сергей Орлов. План тандема: Балтия застыла в ожидании. // <http://www.newsland.ru/news/detail/id/788856/>

² Там же.

Болтиқбўйи мамлакатларига нисбатан иқтисодий сиёсатида кескин ўзгаришлар содир бўлмайди. Машхур иқтисодчи Оярс Кехрис Россия ва Латвиянинг иқтисодий муносабатлари илгариги ҳолатида қолади. Таъкидлаш жоизки, айнан Латвиянинг иқтисодий муаммолари туфайли 2010 йилда Латвия олдинги президенти Валдис Затлерснинг Россияга ташриф буюришига сабаб бўлди¹.

Хулоса ўрнида айтганда, Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларда Россиянинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини аниқ белгилаб олиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланиди. Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан ҳамкорликнинг ривожланиши Моксванинг ЕИ билан яқинлашиш ва алоқаларни янада кенгайтириш жараёнидаги навбатдаги қадам бўлиб хизмат қилади. Россиянинг Болтиқбўйи минтақасида талайгина иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий манфаатлари мавжуд. Таъкидлаш жоизки, ушбу манфаатлар Россиянинг Умумевропа ҳамкорлиги доирасида амалга оширилиши мумкин. Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларида черагавий, транзит каби муаммоларни ҳал этиши икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг янада ривожиланиши муҳим асос бўлади дейиш мумкин. Икки томонлама алоқларнинг тараққий топиши Ўзбекистоннинг Болтиқбўйи давлатлари билан ўзаро ҳамкорлигининг янада кенгайтишига хизмат қилади.

¹ Сергей Орлов. План тандема: Балтия застыла в ожидании. // <http://www.newsland.ru/news/detail/id/788856/>

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Болтиқбўйи минтақаси дунёнинг энг муҳим геостратегик минтабаларидан бири бўлиб, бир қатор давлатларнинг манфаатлари тўқнашган. Россия Федерациясида миллий давлатчилик шаклланигандан бўён рус ҳукмдорлари мунтазам равишда Болтиқбўйи минтақаси устидан назорат қилиш ва Болтиқ денгизига чиқиш учун курашиб келишган. Шу боис Россия бу минтақани ўзининг ҳаётий муҳим манфаатлари зонасига киритган. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида Болтиқбўйи давлатларининг мустақилликка эришишлари ва миллий ташқи сиёсат векторининг Ғарб томон кўчиши Россия ташқи сиёсатида минтақа аҳамиятининг янада кучайишига олиб келди.

Тадқиқот иши давомида Россия Федерациясининг Болтиқбўйи минтақасига нисбатан ташқи сиёсий фаолиятидаги муҳим йўналишлар сифатида қўйидагилар белгиланди:

Биринчидан, Болтиқбўйи давлатларининг географик жойлашуви, Россияга бевосита чегарадошлиги стратегик жиҳатдан Россия Федерациясининг миллий ва минтақавий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда хавфсизлик масалалари Болтиқбўйи минтақасига нисбатан Россия ташқи сиёсатининг устувор вазифа бўлиб келмоқда. Болтиқбўйи давлатларининг Совет Иттифоқидан ажралиб чиққанидан сўнг НАТО билан муносабатларнинг фаоллашуви кўчайди. Минтақа давлатларининг НАТОга аъзо сифатида қабул қилиниши ва НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши билан боғлиқ геосиёсий вазият Россия олдида янги таҳдидларни вужудга келишига сабаб бўлди. Бундай ҳолат Россиянинг геосиёсий кудратига путур етказмоқда ва бу Болтиқбўйи давлатларига нисбатан муносабатларда Россиянинг ташқи сиёсий курси кечиктириб бўлмайдиган тузатишларга эҳтиёж сезаётганлигидан далолат беради. Минтақада НАТОнинг ракетага қарши мудофаа тизимини жойлаштиришга уринаётганлиги, минтақа давлатлари

билан АҚШнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигининг фаоллашуви Россия хавфсизлигига жиддий хавф сифатида баҳоланмоқда.

Иккинчидан, Россия учун Болтиқбўйи давлатлари рус товарларининг жаҳон бозорларига етказиб бериш ва транзит коридорлари нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади: а) Россияни Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳам куруқлик орқали ҳам денгиз йўли орқали боғлаб турган транзит коридорлари мазкур минтақадан ўтади; б) Россиянинг анклав ҳудуди ҳисобланган Калининград ўлкасининг ривожланиши ва у ерда барқарорликни таъминлаш борасида Болтиқбўйи минтақаси муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, Россия Болтиқбўйи давлатлари билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Айрим экспертлар Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларни Россиянинг Европа билан ҳамкорлик алоқаларининг муҳим бир йўналиши деб ҳисоблайдилар. Бугунги кунда Россия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожига Болтиқбўйи давлатлари муҳим ўрин тутди. Россиянинг анъанавий ҳаётий муҳим манфаатларига эътибор қаратадиган бўлсак мазкур минтақа мамлакатнинг иқтисодий тараққий этиши, Россиянинг шимолий-ғарбий ҳудудларидаги хавфсизликни таъминлаш ҳамда Калининград ўлкасининг ҳар томонлама барқарор бўлиши нуқтаи назаридан ўта муҳим ҳисобланади. Россия товарларининг катта қисми Болтиқбўйи мамлакатлари денгиз портлари орқали жаҳон бозорига етказиб берилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, Болтиқбўйи мамлакатлари портларидаги товар айланмасида Россиянинг улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда.

Шу сабабли бундай муносабатларнинг ривожига Россия ва Европа ўртасида “кўприк” вазифасини ўтаётган Болтиқбўйи давлатларининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Бугунги кунда Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан иқтисодий муносабатлари ривожланиб борётганлигини кўриб мумкин. Россия ва Болтиқбўйи давлатларининг маълум миқдорда бир-бирига иқтисодий ўзаро боғлиқлиги шакл-шубҳасиз факт бўлиб қолаётганлигини инобатга олиб иқтисодий соҳада Россия ва Болтиқбўйи давлатлари

ўртасидаги муносабатларининг мустаҳкамланиши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжудлигини хулоса қилиш мумкин.

Тўртинчидан, Россиянинг Болтиқбўйи давлатларига нисбатан ташқи сиёсатининг муҳим йўнилиш сифатида Россиянинг минтақа давлатлари билан ўзаро чегара муаммоларини ҳал қилиш ҳисобланади. Собиқ Совет иттифоқининг парчаланишидан сўнг Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан чегара ҳудудлари борасида муаммолари вужудга келди. Бугунги кунга қадар Россия Литва ва Эстония билан чегара масаласида аниқ бир келишувга эриша олмаганлиги икки томонлама муносабатларга таъсирини ўтказиб келмоқда.

Ва нихоят, Болтиқбўйи минтақасидаги рус миллатига мансуб аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи Россия учун долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда Болтиқбўйи давлатлари аҳолисининг кўпчилик қисмини рус тилида гаплашувчи аҳоли хусусан, Литвада 6,34 %, Латвияда 27 % ва Эстонияда 26 %ни ташкил этади. Чунки Болтиқбўйи давлатларида рус миллатига мансуб аҳолини камситиш, рус тилидаги таълим муассасаларининг ёпилиши ҳамда маҳаллий тилларда таълим беришнинг кучайтирилиши Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларини шартли равишда тўрт даврга ажратиш мумкин.

Биринчи давр (1990-1995 йиллар) Болтиқбўйи давлатларининг Россиядан узоқлашуви, давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, Россиянинг минтақа давлатларида ва Болтиқбўйи давлатларининг Москвада элчихона ва консулхоналарнинг очилиши ҳамда ўзаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилиши билан тавсифланади.

Иккинчи давр (1995-2000 йиллар) Россия ҳарбий қўшинларининг Болтиқбўйи давлатларидан олиб чиқиб кетилиш шунингдек, ўзаро алоқаларнинг конструктив ва аниқ шаклларига ўтишни кўрсатади хусусан,

чегараларни ўрнатиш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг тегишли ҳуқуқий асослари яратилди. Мазкур даврда рус тилидаги аҳолининг ҳолати борасидаги масалалар, транзит ва ҳарбий муаммолар муҳим ўрин тутди.

Учинчи давр 2000-2005 йилларни ўз ичига олиб Болтиқбўйи давлатларининг ЕИ ва НАТОга киришга йўналтирилган ташқи сиёсати, минтақа давлат раҳбарларининг Россия билан бўлган алоқаларни Ғарб билан алмаштиришга уринишлари ҳамда Болтиқбўйи давлатларининг ЕИ ва НАТОга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши ва минтақа давлатларининг АҚШ билан ҳарбий саҳодаги ҳамкорликнинг фаоллашуви билан изоҳлаш мумкин.

Тўртинчи давр 2005 йилдан то ҳозирга қадар Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари ўртасидаги муносабатларида биров бўлсада илиқлик даври бўлиб кирди. Буни юқори давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифларининг фаоллашуви, Болтиқбўйи давлатларининг Россия билан иқтисодий алоқаларни кучайтиришга уринаётганларида кўриш мумкин.

Болтиқбўйи минтақасига нисбатан Россиянинг стратегик мақсади сифатида Россия ва Болтиқбўйи давлатлари ўртасида дўстона қўшничилик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда минтақа доирасида иқтисодий интеграцияни ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни, минтақавий хавфсизликни таъминлашни, кам сонли миллатларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган ҳолда муносабатларнинг конструктив моделини яратиш маълум қилинган.

Марказий Осиёда транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ва мазкур минтақага халқаро транзит юк оқимини жалб қилиш иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий характерга эга бўлган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим вазифалардан биридир. Маълумки, Марказий Осиё транспорт коммуникацияларини такомиллаштиришнинг долзарблиги мазкур минтақа давлатларининг жаҳон денгиз коммуникацияларига тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқлиги билан ҳам изоҳланади. Болтиқбўйи минтақаси мамлакатимизнинг денгиз йўлларида чиқиш имкониятини берадиган

минтақадир. Болтиқбўйи портларининг қулай географик жойлашуви Ўзбекистон товарларининг Шимолий Европа ва Америка давлатларига етказиб берилишини таъминлайди.

2002 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Литвага расмий ташрифи чоғида журналистларнинг совалларига жавоб қайтариб Литва портларига хусусан, Клайпеда портига чиқиш мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг сезиларли даражада кенгайишига имконият туғдиради деб таъкидлаб ўтган.

Назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда амалий тавсиялар қуйидагича:

1. Россия ўз хавфсизлик муҳитини тўғри баҳолаган ҳолда Ғарб давлатлари билан Шарқий Европадаги ракетага қарши муҳофаа тизими борасида умумий келишувларга эришиши Россиянинг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларнинг ривожига асос бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида, Россия чегараларида Болтиқбўйи минтақасининг буфер зона сифатида сақланиб қолиш имкониятини оширади ва мамлакатнинг шимолий-ғарбий минтақаси ҳамда Калининград анклав ҳудудида хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

2. Россия ва Болтиқбўйи давлатлари чегараларнинг делимитация ва демаркация жараёнлари ниҳоясига етказиш Россиянинг минтақа давлатларига нисбатан ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолади.

3. Россия Болтиқбўйи давлатлари билан иқтисодий соҳадаги алоқаларни мавжуд имкониятлар даражасида ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун ҳам Болтиқбўйи минтақаси билан иқтисодий ҳамкорликнинг кучайишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

4. Россия Болтиқбўйи минтақасига нисбатан аниқ ташқи сиёсий стратегия ишлаб чиқиши ва икки томонлама муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланиши Россиянинг ЕИ давлатлари билан муносабатларининг янада кенгайишига олиб келади.

Умуман олганда, Россиянинг ЕИ билан алоқаларининг кенгайишида, Калининград ўлкасининг ҳар томонлама ривожланиши ҳамда ўз миллий манфаатларни ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам Болтиқбўйи минтақаси Россия учун муҳим мунтақалардан ҳисобланади. Россия Федерациясининг Болтиқбўйи давлатлари билан муносабатларининг янада ривожланиши Ўзбекистон Республикаси учун жаҳон бозорларига денгизи портлари орқали чиқишнинг хавфсиз йўналишини таъминлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рахбарий адабиётлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 326 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
- 1.6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 376 б.
- 1.9. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.11. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

1.13. Каримов И.А.. Тинчлик ва ҳафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12 – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

1.14. Каримов И.А.. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 б.

1.15. Каримов И.А.. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

1.16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлиштириш, ислохатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 320 б.

1.17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

1.18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

1.19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.

1.20. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

2. Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар

2.21. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўқитувчи, 2009. – 56 б.

- 2.22. Конституция Российской Федерации (12 декабря 1993 года) // www.constitution.ru/10003000/10003000-3.html
- 2.23. Концепция национальной безопасности Российской Федерации Утверждена Указом Президента Российской Федерации № 24 от 10.01. 2000 года.
- 2.24. Стратегия национальной безопасности Российской Федерации до 2020 года. Утверждена Указом Президента Российской Федерации от 12 мая 2009 г. // <http://www.scrf.gov.ru/documents/99/html>
- 2.25. Концепция внешней политики Российской Федерации. // <http://www.mid.ru/ns.osndoc.nsf/0e9272befa34209743256c630042d1aa/d48737161a0bc944c32574870048d8f7?OpenDocument>
- 2.26. Морская доктрина Российской Федерации на период до 2020 года.// <http://www.scrf.gov.ru/documents/34.html>

3. Китоблар, монография ва ўқув қўлланмалари

- 3.27. Алимов Р.М. Центральная Азия: Общность интересов. – Т.: Шарк, 2005. – 464 с.
- 3.28. Ахмеджанов Г. Россия и Центральная Азия. Взаимосвязь в историческом развитии. Москва-Ташкент, 2008 – 183. с.
- 3.29. Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар. – Т.: Академия, 2007 йил. – 184 б.
- 3.30. Жўраев С.А. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси (ўқув қўлланма). “Akademiya”, Тошкент, 2007. – 302-б.
- 3.31. Жураев С.А., Касимова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Т.: Akademiya. 2008. – 320 с.
- 3.32. Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий ҳавфсизлик (ўқув қўлланма). – Т.: Академия, 2007. – 105 б.
- 3.33. Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. -Тошкент.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.

- 3.34. Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар жараёни. /Муал.гурухи. С.А.Жўраев ва бош. – Т.: Akademiya, 2011. – 320 б.
- 3.35. Шарапова С. Каримова Н. Шарапов А. Внутренняя и внешняя политика зарубежных стран Востока и Запада. – Т.: Фан, 2006. – 404 с.
- 3.36. Дугин А. Основы геополитики. – М.: Арктогея, 1997. – 418 с.
- 3.37. Казанцев А.А. «Большая игра» с неизвестными правилами: Мировая политика и Центральная Азия. – М.: Фонд Наследие Евразии, 2008. – 252 с.
- 3.38. Нартов Н.А, Нартов В.А. Геополитика. – М.: ЮНИТИ–ДАНА: Единство, 2007. – 527. с.
- 3.39. Мировая политика и международные отношения: Учебное пособие. / Под. ред. С.А.Ланцова, В.А.Ачкасова. – СПб.:Питер, 2009. – 448 с.
- 3.40. Полоскова Т.В. Российская диаспора в странах СНГ и Балтии. М.: Научная книга, 1998;
- 3.41. Региональное измерение российско-балтийских отношений. / Под. ред. Л.А. Карабешкина. – СПб., 2004. – 208 с.
- 3.42. Симонян Р.Х. Россия и страны Балтии. М.: Academia, 2003. – 456 с.
- 3.43. Симонян Р.Х. Россия и страны Балтии. 2-е изд., доп. – М.: РАН, 2005. – 502 с.
- 3.44. Современные международные отношения. Учебник / Под. ред. А.В. Торкунова. – М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 1999. – 584 с.
- 3.45. Страны Балтии в конце XX – начале XXI в. Внутренняя и внешняя политика. – Lambert Academic Publishing, 2011. – 629 с.
- 3.46. Тренин Д. Балтийский шанс. Страны Балтии, Россия и Запад в складывающейся Большой Европе.– М.: Московский Центр Карнеги, 1997. – 224 с.
- 3.47. Цыганков А.П. Внешняя политика России от Горбачева до Путина: формирование национального интереса. М.: 2008, – 212 с.

3.48. Demurin M. Russia and the Baltic States: Not a Case of "Flawed" History. //Russia in Global Affairs. –M.: 2005. – №3. – С.47-52.

3.49. Zbigniew B. The Grand Chessboard, American Primacy and Its Geostrategic Imperatives. - N-Y: Basic Books, 1997. – 217 p;

3.50. Ingmar O. Russia's Great Power Strategy under Putin and Medvedev. //Occasional Uipapers. –S.: 2010. – №1. – P.18-26;

3.51. Nils Muižnieks. Latvian-Russian Relations: Dynamics Since Latvia's Accession to the EU and NATO. – Latvia.: University of Latvia Press, 2011. – 88 p;

3.52. Sleivyte J. Russia's European Agenda and The Baltic States. // – L.: the Shrivenham papers, 2008. – 58 p.

4. Диссертация ва авторефератлар

4.53. Максимцев И. Перспективы интеграции России в Балтийском регионе в свете вступления в ЕС государств Балтии. Автореферат дисс на соискание ученой степени кан. эко. наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 34 с.

4.54. Мозель Т.Н. Россия и страны Балтии (Литва, Латвия, Эстония) в процессе формирования системы безопасности в Европе. Автореферат на соискание ученой степени доктора политических наук. Москва, 2001. – 27 с.;

4.55. Пак Чжон Кван. Геополитические проблемы в отношениях Российской Федерации со странами Центральной Азии. Автореферат. ... канд. полит.наук. – М.: МГУ имени М. В. Ломоносова, 2009. –22 б.

4.56. Ҳамидов А. Қ. Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари хавфсизлигини таъминлашнинг минтақавий омиллари. Сиёсий фанлари номзоди. ... дисс – Т.: ЖИДУ, 2004. – 142 б.

5. Журнал ва газеталардаги мақолалар

5.57. Ўзбекистон Россия: ҳамкорликнинг барқарор ривож. //Халқ сўзи. 2009 йил 21 январь.

5.58. Оқсаройда қабул. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Эстония Бош вазири Андрус Ансипни Оқсаройда қабул қилди. //Халқ сўзи, 2010 йил 3 ноябрь.

5.59. Умаров Х.П. XX аср охирида Россия ташқи сиёсатида Ўзбекистон векторининг шаклланиши.// Шарқшунослик. – 2010. – №1-2. – Б.101-109.

5.60. Анин А.И. ПРО США – Подрывающий доверие потенциал. //Мировая экономика и международные отношения. –М.: – 2012. – №3. – С.12-19.

5.61. Аникеева Н. Проблемы безопасности в Европе. Взгляд Москвы и Мадрида. //Обозреватель-Observer. –М.: – 2011. – №8. – С.26-33.

5.62. Балиев А. Сквозь природу. //Российская газета. – М.: 2010. – №5322 (243). – С.4.

5.63. Безопасность - забота общая. //Европа. 2001. – № 10. – С.2–6.

5.64. Брук И. Экономические перспективы Латвии, Литвы, Эстонии в сфере энергетики. //Международная экономика. 2008. № 1. С. 56-61.

5.65. Внешняя политика Литвы на современном этапе. //Международные отношения. –М.: – 2010. – №4. – С.41-44.

5.66. Воронов К. Восприятие России на севере Европы: знаки времени. //Мировая экономика и международные отношения. –М.: 2009. – №10. – С.43-51.

5.67. Карабешкин Л. Россия и Прибалтика. Трудный путь от «любви» к дружбе. //Международные процессы. – 2009. – № 1(19). – С.53-56.

5.68. Колосов В., Бородулина Н. Геополитический дискурс и отношения между Россией и странами Балтии. //Мировая экономика и международные отношения. – М.: – 2007. – №9. – С.27-34.

5.69. Колосов В.А., Туровский Р.Ф. Геополитическое положение России на пороге XXI века: реальность и перспективы. //Полис. – 2000. –№ 3. –С.40–60.

- 5.70. Колосов В., Бородулина Н. «Бремя геополитики» во взаимовосприятии России и стран Прибалтики. //Международная жизнь. – М.: – 2009. – №4. – С.52-55.
- 5.71. Кременюк В.А. Россия вне мирового общества. //Международные процессы. –2006. –№ 3. –С.14-18
- 5.72. Минаев Ю.А. «Атлантизм» переживает трудные времена, а что в будущем? //Международная жизнь. –2010. –№ 7. – С.34-37.
- 5.73. Рогозин Д. Россия-НАТО. Время исправлять ошибки. //Международная жизнь. –М.: 2009. – №4. – С.22-25.
- 5.74. Румянцев А.А. Геополитика энергетических коридоров России // Власть. –2008. –№10. –С.72-76.
- 5.75. Симонян Р.Х. Россия и Евросоюз: Балтийский потенциал экономической интеграции. //Мировая экономика и международные отношения. –М.: 2011. – №4. – С.48-60.
- 5.76. Симонян Р.Х. Прибалтика. Вспоминая предвоенные годы. //Международная жизнь. –М.: 2009. – №1. – С.58-78.
- 5.77. Симиндей В. "Латвийский узел" Балтийского транзита. //Мировая экономика и международные отношения. –М.: 2001. –№4. – С.57-61.
- 5.78. Страны Балтии на постсоветском пространстве. Феномен политического развития. //Свободная мысль. – 2010. – № 12. – С.23-27.
- 5.79. Троицкий М.А. «Мягкая безопасность»: Российско-балтийский подход. //Международная жизнь. –М.: 2008. – №6. – С.31-36.
- 5.80. Фреден Л. Тени прошлого над Россией и Балтией // Россия в глобальной политике. –М.: 2005. № 6. – С.76-80.
- 5.81. Юргенс И. Балтийская “лаборатория” Большой Европы. //Россия в глобальной политике. –М.: 2004. – №3. – С.26-31.

6. Интернет - Ахборот манбалари.

6.82. Александров М. Стратегия России в Прибалтике нуждается в пересмотре. // <http://m-alexandrov.livejournal.com/12329.html>

6.83. Бжезинский видит Россию частью Запада. // <http://inotv.rt.com/2012-02-08/Bzhezinskij-vidit-Rossiyu-chastyu-Zapada>

6.84. Выступление В. Путина на Мюнхенской конференции 2007 г. // <http://dokumentika.org/ru/tv-video/vistuplenie-v-putina-na-miunchenskoy-konferentsii-2007-g>

6.85. Великие державы в мировой политике: США. // http://www.worldspol.socio.msu.ru/programmi/Velike_derwavy_v_mirovoy_politike_SSA.doc

6.86. Дробот Г.А. Великие державы в мировой политике: Россия // <http://www.worldspol.msu.ru>

6.87. Гапоненко А. Геополитика, экономика и российские соотечественники в странах Балтии <http://npest.wordpress.com/2008/07/31/geopole/>

6.88. Глава Минобороны Литвы: Россия может организовать ядерное оружие в Калининграде. // <http://newsbalt.ru/detail/?ID=3913>

6.89. Доклад МИД РФ: дискриминация русских в Эстонии продолжается. // <http://rus.postimees.ee/683644/doklad-mid-rf-diskriminacija-russkih-v-jestonii-prodolzhaetsja/>

6.90. Игорь Иванов Взаимная зависимость. // http://sr.fondedin.ru/new/fullnewsarchto.php?subaction=showfull&id=1114768703&archive=1114768827&start_from=&ucat=14&

6.91. Интервью Д.А. Медведева телеканалу «Евроньюс». // http://archive.kremlin.ru/appears/2008/09/02/2217ty pe63379_206085.shtml

6.92. Интервью с А.Абратов. Россия хочет изменить мировой порядок // <http://www.carnegie.ru/ru/pubs/media/78622.htm>

6.93. Интервью Секретаря Совета Безопасности Российской Федерации И.С.Иванова журналу “Стратегия России”. // <http://www.scrf.gov.ru/news/98.html>

6.94. Кочегарова Т. Роль Балтийского региона в сотрудничества Россия-Евросоюз. // http://www.perspektivy.info/oykumena/ekdom/rol_baltijskogo_regiona_v_sotrudnichestve_rossija-jevrosojuz_2011-06-24.htm

6.95. Картунова С.В. Внешняя политика России: что необходимо предпринять // <http://www.wpec.ru/text/200808100918.htm>

6.96. Лёвина Н. Сотрудничество России и Европейского Союза: перспективы и проблемы. // <http://jurnal.org/articles/2009/polit18.html>

6.97. Межевич Н.М. Балтийский регион и Россия на Балтике: специфика позиционирования. // <http://www.ut.ee/ABVKeskus/sisu/publikatsioonid/2004/pdf/VF-B.pdf>

6.98. Мурсалиев А. Геополитика / Россия и Прибалтика Выгодный, но несчастливый брак. // <http://www.kommersant.ru/doc.aspx?DocsID=12590>

О состоянии торгово-экономических связей между Россией и Литвой. // http://www.lithuania.mid.ru/doc/tor_gov-ekonom2011.htm

6.99. Президент Узбекистана: выход к портам Литвы значительно расширит торгово-экономические отношения двух стран. // <http://ria.ru/economy/20020923/230314.html>

6.100. Приходько С.Э., Трофимов А.М. Россия и Прибалтика – II. // http://old.nasledie.ru/politvne/18_29/article.php?art=10

6.101. Проект Договора о европейской безопасности. // <http://kremlin.ru/news/6152>

6.102. Иржи Ю. Европейская безопасность Медведева. // <http://inosmi.ru/europe/20091204/156835927.html>

6.103. Сергей Орлов. План тандема: Балтия застыла в ожидании. // <http://www.newsland.ru/news/detail/id/788856/>

6.104. Сенатор США: Милитаризация Калининграда – паранойя Путина. // <http://newsbalt.ru/detail/?ID=4345>

6.105. Узбекистан – Балтия: торговля растёт. // <http://www.baltic-course.com/archive/rus/index.htm-read=10.htm>

- 6.106. Эксперт: В ближайшее время отношения между Россией и Прибалтикой не улучшатся. [//http://newsbalt.ru/detail/?ID=4355](http://newsbalt.ru/detail/?ID=4355)
- 6.106. Central Intelligence Agency. [//https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/rs.html](https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/rs.html)
- 6.107. Denisenko V. Russia and Baltic States: silent “reset” of relations? [//http://www.geopolitika.lt/?artc=4775](http://www.geopolitika.lt/?artc=4775)
- 6.108. Dmitri T. Russian Policies toward the Nordic-Baltic Region. [//http://carnegieendowment.org/files/Nordic-Baltic_Security_Trenin.pdf](http://carnegieendowment.org/files/Nordic-Baltic_Security_Trenin.pdf)
- 6.109. Janusz Bugajski. Isolation and marginalization: Russia’s offensive in the Baltic region. [//http://www.lfpr.lt/uploads/File/2007-19/Bugajki_ENG.pdf](http://www.lfpr.lt/uploads/File/2007-19/Bugajki_ENG.pdf)
- 6.110. Ingmar O. Russia’s ‘northern’ foreign policy. [//http://www.cicerofoundation.org/lectures/Ingmar_Oldberg_RUSSIA_NORTHERN_FOREIGN_POLICY.pdf](http://www.cicerofoundation.org/lectures/Ingmar_Oldberg_RUSSIA_NORTHERN_FOREIGN_POLICY.pdf)
- 6.111. Konstantin A. Experts: Lithuania Is the Only Baltic State with Ambitions. [//http://eurodialogue.org/Experts-Lithuania-Is-the-Only-Baltic-State-with-Ambitions](http://eurodialogue.org/Experts-Lithuania-Is-the-Only-Baltic-State-with-Ambitions)
- 6.112. Leonid K. Russian Baltic policy – coherent incoherence. [//http://www.lfpr.lt/uploads/File/2007-19/Karabeshkin_ENG.pdf](http://www.lfpr.lt/uploads/File/2007-19/Karabeshkin_ENG.pdf)
- 6.113. Russia boosting military presence at Lithuania’s borders, bigger US role needed in Baltic region – Minister of Defense. <http://www.lithuaniantribune.com/2012/01/07/russia-boosting-military-presence-at-lithuanias-borders-bigger-us-role-needed-in-baltic-region-minister-of-defence/>
- 6.114. Russia's Growing Economic Reach in Latvia. <http://www.stratfor.com/memberships/191772/analysis/20110414-russias-growing-economic-reach-latvia>
- 6.115. Three positions of Russia concerning the relations with the Baltics. [//http://www.geopolitika.lt/?artc=5242](http://www.geopolitika.lt/?artc=5242)
- 6.116. The Next Stage of Russia's Resurgence: The Baltic States. [//http://www.stratfor.com/analysis/next-stage-russias-resurgence-baltic-states](http://www.stratfor.com/analysis/next-stage-russias-resurgence-baltic-states)